БУТУН ДУН'Е ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

№ 225 (7672)
24 СЕНТЯБРЬ ЯКШАНБА 1950 ЙИЛ
БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТ (большевик)ЛАР ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

## БУГУНГИ СОНДА:

**Коммунизмнинг янги буюк иншоотларини қуриш ҳақидаги қарорлар ленинча-сталинча миллий сиёсат тантанасининг порлоқ ифодасидир** (1-нчи бет).
**СССР Олий Совети Президиумининг Фармони** (2-нчи бет).
СОВЕТ ҚУРИЛИШИ: Сайловчилар наказини бажариш — депутатларнинг муқаддас бурчи (2-нчи бет).
**Октябрьолди мусобақасини кучайтириб, бугун кечагидан, эртага бугунгидан кўра кўпроқ пахта тайёрлайлик!** (3-нчи бет).
ФЕЛЬЕТОН: **А. Ҳамдамов, Т. Абдувалиев.** — Манфаатпараст (3-нчи бет).
Қуриядаги агрессия тайёргарлигини фош қилучи ҳужжатлар (4-нчи бет).
Франция коммунистлар партияси Сиёсий Бюросининг резолюцияси (4-нчи бет).
Қуриядаги воқиалар (4-нчи бет).

## Тинчлик байроқдори

Бизнинг халқимиз Совет ҳукуматининг коммунизмнинг улуғ иншоотлари тўғрисида — Волгада Куйбишев ва Сталинград гидроэлектростанциялари, Бош Туркман канали, Днепрда Каховка гидроэлектростанцияси, Жанубий Украина канали ва Шимолий Қрим каналини қуриш тўғрисидаги тарихий қарорларини ўз Ватани учун фахрланиш ва зўр хурсандчилик ҳислари блан кутиб олди.

Янги ажойиб иншоотлар тўғрисидаги хабар бутун дун'ёга мамлакатимизнинг шонли ғалабалари тўғрисидаги хушхабар бўлиб эшитилди, тинчлик ва демократия иши учун курашаётган Ғарбдаги ва Шарқдаги миллионларча кишиларни илҳомлантирди. «Совет Иттифоқи қабул қилган ана шу буюк қурилиш программаси, — деб ёзади Хитой газетаси «Синьвэньжибао», — Совет Иттифоқининг тинчлик сиёсатини амалга ошираётганлигини исбот этади ва бу сиёсат бутун дун'ёда тинчлик учун курашаётган халқларни илҳомлантирувчи шубҳасиз, буюк намунадир».

Совет давлати ташкил топган биринчи кунларданоқ тинчлик ва халқлар ўртасидаги дўстлик сиёсатини сабот ва изчиллик блан амалга ошириб келмоқда. Совет халқи ўртоқ Сталиннинг доно кўрсатмаларига амал қилмоқда: **«Бизнинг ташқи сиёсатимиз равшандир. Бу сиёсат тинчликни сақлаш ва барча мамлакатлар блан савдо-сотиқ муносабатларини кучайтириш сиёсатидир. СССР ҳечкимга таҳдид қилишни ўйламайди ва хусусан ҳечкимга ҳужум қилишни ўйламайди. Биз тинчлик тарафдоримиз ва тинчлик ишини қаттиқ туриб ҳимоя қиламиз».**

Совет Иттифоқининг сулҳпарварлик сиёсати социалистик давлатнинг табиатидан келиб чиқади. Мамлакатимизнинг социалистик экономикаси кризислар нималигини билмайди, бизда агрессив урушдан манфаатдор бўлган эксплуататор синфлар йўқ, бизда миллий зулм йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Совет халқининг бутун фикри-зикри ижодий меҳнатга, инсониятнинг орзусини амалга оширишга — коммунизм қуришга қаратилган. Совет Иттифоқи — тинчликнинг таянчи ва байроқдоридир. Барча мамлакатлардаги сулҳпарвар халқлар Совет Иттифоқини барча халқларнинг бахтли ҳаёт кечириши учун йўл кўрсатиб бераётган бир маш'ал деб биладилар.

Барча мамлакатлардаги, барча қит'алардаги миллионларча кишилар тинчлик тарафдорларининг Иккинчи жаҳон конгрессига актив тайёрланиб, тинчлик учун курашни кучайтирмоқдалар. Тинчлик тарафдорларининг Иккинчи жаҳон конгресси халқаро миқ'ёсда буюк минбар бўлади. Яхши ниятли кишиларнинг ҳаммаси Тинчлик тарафдорлари жаҳон конгресси Доимий Комитети бюросининг Прагадаги мажлисида қабул қилинган мурожаатини қизғин қувватламоқдалар. Тинчлик тарафдорлари атом қуролини тақиқлашни талаб этмоқдалар, ҳарқандай қуролларнинг миқдорини ёппасига камайтириш ва улар устидан назорат ўрнатишни қувватламоқдалар. Тўрт юз миллиондан ортиқ киши Стокгольм Мурожаатига қўл қўйди. Тинчлик тарафдорлари агрессияни ва халқларнинг ички ишларига қурол кучи блан аралашишни қораламоқдалар. Улар янги уруш пропагандасини тақиқлашга чақирмоқдалар. Сулҳпарвар халқлар америка империалистларининг Қуриядаги мудҳиш ваҳшийликларига нафрат ва ла'нат ўқимоқдалар. Қурия халқига қарши агрессияни тўхтатишни ва чет эл қўшинларини Қуриядан олиб кетишни қат'ий талаб этмоқдалар.

Тинчлик тарафдорларининг Иккинчи жаҳон конгрессига тайёрланиш даврида тинчлик фронтининг оммавий базаси кенгаймоқда ва мустаҳкамланмоқда. Тинчлик учун курашувчилар Прагада ишлаб чиқилган таклифларни **аҳолининг барча табақалари ўртасида кенг муҳокамага қўймоқдалар, шу мақсадда халқ йиғилишлари ўтказилмоқда. Бу йиғилишларда тинчликни астойдил хоҳлаётган барча кишилар, уларнинг сиёсий маслаклари, диний э'тиқодлари қандай бўлишидан қат'ий назар, уруш хавфининг пайдо бўлиш сабаблари ҳақидаги фикрлари қандай бўлишига қарамай, кенг қатнашмоқдалар.**

Кейинги ҳафта ичида тинчлик тарафдорларининг биринчи умумпольша с'езди, Руминия, Булғория, Финляндиядаги тинчлик учун курашувчиларнинг конгресслари баланд руҳ блан ўтди. Чехословакияда тинчлик тарафдорларининг область конференцияларига кенг тайёргарлик кўрилмоқда; Германияда, Чилида ва бошқа мамлакатларда тинчлик учун курашувчиларнинг конгресслари ўтказилади. Францияда, Италияда, Шарқ мамлакатлари ва Америкада тинчлик тарафдорларининг Иккинчи жаҳон конгрессига актив тайёргарлик кўрилмоқда.

Совет халқи тинчлик учун курашувчиларнинг биринчи сафларида бормоқда. Совет кишилари коммунистик жамият қуриш, социалистик давлатнинг қудратини мустаҳкамлаш соҳасида зўр ғайрат блан ижодий меҳнат қилиб, тинчликни ва халқлар хавфсизлигини мустаҳкамлаш ишига буюк ҳиссаларини қўшмоқдалар. Совет кишилари Доимий комитет бюросининг тинчлик тарафдорлари Иккинчи жаҳон конгрессини чақириш тўғрисидаги мурожаатини якдиллик блан қувватламоқдалар, уруш оловини ёқувчи империалистларга қарши, тинчлик учун янада актив кураш олиб бориш ҳақидаги жанговар чақириқларни қизғин ма'қулламоқдалар.

Тинчликни ҳимоя қилувчи Совет Комитетининг президиуми 16—18 октябрьда тинчлик тарафдорларининг Иккинчи Бутун Иттифоқ конференциясини чақиришга қарор қилди. Поёнсиз социалистик давлатимизнинг ҳамма қисмидан Ватанимизнинг пойтахти Москвага касаба союз ташкилотлари, хотин-қизлар, ёшлар, маданий, илмий ташкилотлар, кооператив, спорт ва бошқа жамоат ташкилотларининг вакиллари келадилар. Конференция тинчлик тарафдорларининг Иккинчи жаҳон конгрессига вакиллар сайлайди. Конференция вакиллари совет халқининг янги уруш оловини ёқувчиларга қарши тинчлик учун тинмай курашаётганлиги тўғрисида сўзлаб берадилар.

Совет халқи СССР Олий Советининг Тинчлик тарафдорлари жаҳон конгресси Доимий Комитетининг атом қуролини тақиқлаш тўғрисидаги Мурожаатига қўшилиш ҳақидаги тарихий баёнотини ғоят хурсандчилик блан кутиб олди. Бизнинг мамлакатимизда тинчликни ҳимоя қилувчи Совет Комитетининг чақириғига мувофиқ Стокгольм Мурожаатига имзо тўплаш кампанияси ғоят баланд руҳ блан ўтди. 30 июньдан 1 августгача 115 миллион 275 минг 940 совет граждани, я'ни Совет Иттифоқининг катта ёшдаги бутун аҳолиси бу жанговар тинчлик ҳужжатига қўл қўйди.

Стокгольм Мурожаатига имзо тўплаш халқимизнинг тинчлик учун кураш тарихида яна бир марта шонли саҳифа очди, совет ватанпарварлигини, мамлакатимиздаги халқларнинг мустаҳкам бирлиги ва дўстлигини яна бир марта намойиш қилиб кўрсатди. Совет кишилари Совет ҳукуматининг сулҳпарварликдан иборат сталинча сиёсатини тўла-тўкис қувватлаётганликларини билдирдилар, улуғ йўлбошчи ва устоз ўртоқ Сталинга муҳаббат ҳамда садоқатларини изҳор қилдилар.

Тинчликни ҳимоя қилувчи Совет Комитетининг имзо тўплаш якунлари тўғрисидаги ахборотида қуйидагилар айтилади: «Совет кишилари Стокгольм Мурожаатига якдиллик блан қўл қўйиб, чексиз сулҳпарвар эканликларини, барча халқлар блан ҳамкорлик қилишни астойдил истаганликларини намойиш қилдилар ва урушга қарши, тинчликни мустаҳкамлаш учун, халқларнинг хавфсизлиги учун курашдек олижаноб ишга янги ҳисса қўшдилар. Совет халқи тинчлик тарафдорлари уюшган халқаро фронтининг ишончли ва мустаҳкам таянчидир».

Совет кишилари Стокгольм Мурожаатига қўл қўйишлари блан, америкали империалист йиртқичларнинг қабиҳ ҳужуми остида қолган қурия халқини ҳимоя қилажакларини айтдилар. Совет халқининг уруш оловини ёқувчиларга қарши қудратли овози бутун дун'ёга жаранглаб эшитилмоқда.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг шу кунларда очилган бешинчи сессиясида совет делегацияси «Янги уруш хавфини бартараф қилиш тўғрисидаги ва тинчликни ҳамда халқларнинг хавфсизлигини мустаҳкамлаш тўғрисидаги декларация»сини қабул қилишни таклиф этди. Совет ҳукумати бирқанча мамлакатларда олиб борилаётган янги уруш пропагандасини қоралашга, бундай пропагандани тақиқлашга ва айбдорларни жавобгарликка тортишга, атом қуролини тақиқлашга, атом қуролини ёки одамларни кўплаб қирадиган бошқа қуролларни бирон мамлакатга қарши биринчи бўлиб ишлатадиган ҳукуматни ҳарбий жиноятчи деб э'лон қилишга чақиради, тинчликни мустаҳкамлаш юзасидан Америка Қўшма Штатлари, Англия, Франция, Хитой ва Совет Иттифоқи ўртасида аҳднома тузишга, беш давлатнинг қуролли кучларини 1950 йил мобайнида учдан бир қисми миқдорида камайтиришга чақиради.

Совет Иттифоқи ва халқ демократияси мамлакатлари тинчлик ва тараққиёт йўлидан оғишмай қат'ий олға бораётган бир пайтда кескин қарама-қаршиликлар гирдобида қолган капитализм дун'ёси мушкул аҳволдан қутилиш йўлини агрессив урушлардан қидирмоқда. Америка Қўшма Штатларининг Бош Ассамблеяда сўзга чиққан давлат секретари Ачесон Бирлашган Миллатлар Ташкилотини тугатишга ва бу ташкилотни тамомила давлат департаментининг маҳкамасига айлантиришга қаратилган таклифларни илгари сурди.

Барча мамлакатлардаги тинчлик тарафдорлари уруш оловини ёқувчи империалистларнинг хуружларига жавобан ўз сафларини янада маҳкам жипслаштирадилар, ҳушёрликни оширадилар, тинчлик душманларига қарши курашни кучайтирадилар. Тинчлик тарафдорларининг Иккинчи жаҳон конгрессига тайёргарлик ишлари жаҳон миқ'ёсида тинчлик учун курашувчилар уюшган фронтини янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш шиори остида ўтмоқда. Тинчлик тарафдорларининг кучлари битмас-туганмасдир. Уларнинг тинчлик учун курашга бўлган иродаси ягона ва мустаҳкамдир. Тинчлик душманлари, инсоният душманлари ҳарқанча қутирсалар ҳам тинчлик учун курашувчиларнинг улуғ армиясини енгаолмайдилар. Тинчлик урушни енгади!

Тинчлик тарафдорлари ҳаракатида актив қатнашаётган совет кишилари ўзларининг фидокорона меҳнатлари блан Совет Иттифоқининг қудратини мустаҳкамламоқдалар. Бизнинг халқимиз большевиклар партиясининг раҳбарлиги остида, ўртоқ Сталиннинг гениал етакчилигида комил ишонч блан коммунизм йўлидан олға бормоқда.

**(«ПРАВДА»нинг 23 сентябрьдаги бошмақоласи).**

# Коммунизмнинг янги буюк иншоотларини қуриш ҳақидаги қарорлар ленинча-сталинча миллий сиёсат тантанасининг порлоқ ифодасидир

## Коммунизм қурилишига янги катта ҳисса

Ўрта Осиёда ирригация мутахассислари тайёрловчи йирик марказ бўлган Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини машиналаштириш инженерлари институтининг студентлари, профессорлари ва ўқитувчилари коллективи СССР Министрлар Советининг Каховка гидроэлектростанциясини, Жанубий Украина ва Шимолий Қрим каналларини қуриш тўғрисидаги Қарорини ғоят катта хурсандчилик блан кутиб олди. Институт ходимлари бу муҳим қарорни муҳокама қилиб, табиатни ўзгартиришдан иборат сталинча планларнинг улуғворлигини кўриб фахрланмоқдалар. Совет ҳукуматининг аввалги қарорларида Волга дар'ёсидаги ва Туркманистондаги буюк ишлар программаси белгиланган бўлса, янги буюк қурилиш Украинанинг жанубидаги ва Қримнинг шимолий районларидаги ерларни суғориш масаласини ҳал қилади. Шундай қилиб, ғоят кенг территорияда мислсиз катта ишлар олиб борилади. Ватанимизнинг бепоён ерларида қурғоқчиликка абадий хотима берилади, янги районларда суғориладиган деҳқончилик кенг ривожлантирилади.

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини машиналаштириш институтининг коллективи сталинча янги қурилишга ҳартарафлама ёрдам беришга тайёрдир. Институт шу йилдан бошлаб малакали мелиоратор-инженерлар, механизаторлар, ер тузувчилар, гидроэнергетиклар тайёрлашни анча кучайтиради. Янги катта гидроэнергетика қурилишлари бошланиши муносабати блан мутахассислар тайёрлашнинг сифатига айниқса катта э'тибор берилади. Институт бу вазифани муваффақиятли ҳал қилиш учун ҳамма чораларни кўрмоқда. Институт бунинг учун барча имкониятларга эга. Институтда малакали ўқитувчилар, бой та'лим-техника базаси бор.

Институтда ишлаётган мутахассислар Ўрта Осиё республикаларида суғориш системаларини қайтадан қуришда ва янги суғориш системалари вужудга келтиришда катта тажриба орттирдилар. Волга дар'ёси бўйида, Туркманистон ССРда, Қорақалпоғистон АССР ва Украина ССРда янги суғориш системалари қуриш вақтида бу тажрибадан кенг фойдаланилади. Украинадаги янги қурилиш блан боғлиқ темалар институтнинг илмий-текшириш ишлари планига, диплом тематикасига киргизилади.

Институтнинг илмий коллективи махсус лекция ва докладлар планини ишлаб чиқмоқда. Мамлакатимизда коммунизм қуришни тезлатиш учун табиатни ўзгартиришдан иборат сталинча планнинг аҳамиятини ёритувчи бу лекция ва докладлар Тошкентда, шунингдек республиканинг районларида ўқилади.

Ирригация ва қишлоқ хўжалигини машиналаштириш институтининг профессорлари, ўқитувчилари ва студентлари ҳукуматнинг Украинада ва Қримнинг шимолий районларида суғориш ишларини ривожлантириш тўғрисидаги Қарорини қизғин ма'қуллаб, бу Қарорни большевиклар партияси, Совет ҳукумати ва улуғ Сталиннинг социалистик Ватанимизни янада тараққий эттириш, бутун дун'ёда тинчлик ишини мустаҳкамлаш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилаётганликларини ёрқин ифода қилувчи ҳужжат деб биладилар.

## Украина халқининг қувончи

КИЕВ, 21 сентябрь. (ТАСС). Бугунги кун украин халқининг тарихига порлоқ саҳифа бўлиб киради. Жонажон Москва Украинанинг шаҳар ва қишлоқларига қувончли хушхабарни, Совет ҳукумати Днепр дар'ёсида Каховка гидроэлектростанциясини, Жанубий Украина каналини, Шимолий Қрим каналини қуриш, Украинанинг жанубий районларидаги ва Қримнинг шимолий районларидаги ерларни суғориш ҳақида қарор қабул қилганлиги тўғрисидаги хабарни эшитдирди. Республиканинг меҳнаткашлари бу қарорни украин халқининг фаровонлиги тўғрисидаги сталинча ғамхўрликнинг янги ёрқин ифодаси деб биладилар.

Бу хушхабар Украина пойтахтидаги корхона ва муассасаларга, олий ўқув юртларига жуда тез тарқалди. Ҳамма ерда кўп киши қатнашган йиғилишлар бўлиб ўтди. Бу йиғилишлар украин халқининг оташин совет ватанпарварлигини, унинг партияга, ҳукуматга, улуғ Сталинга бўлган чексиз садоқатини ёрқин ифода қилувчи намойишга айланди.

Эрталаб соат саккиз. Киевдаги Горький номли станоксозлик заводининг каттакон йиғув цехи биносига ишчилар, инженерлар ва хизматчилар тўпландилар.

1-нчи механика цехининг дочгдор стахановчиси, жадал ишловчи В. И. Тертичнийга сўз берилади. У бешйилликнинг бошидан буён 10 йилликдан ортиқ нормани бажарган.

— Қаҳрамон совет халқимизнинг тарихидаги кўпгина шонли саҳифалар Днепр блан боғланган, — дейди у. — Жонажон юртимизни босқинчилардан озод қилган Совет Армиясининг жангчилари бу ерда унутилмас қаҳрамонликлар кўрсатдилар. В. И. Ленин номидаги Днепр гидроэлектростанциясининг қурувчилари бу ерда меҳнат соҳасида катта зафарларга эришдилар. Улуғ Сталиннинг генийсидан илҳомланган совет кишиларининг иродаси блан Днепр дар'ёси Жанубдаги металлургия заводларига электр қуввати бермоқда. Днепр бўйидаги шаҳар ва қишлоқларни электр чироқлари блан ёритмоқда. Эндиликда Днепр сувлари табиатни ўзгартиришдан иборат сталинча гениал программани муваффақият блан амалга оширишга, қишлоқ хўжалигини янада юксалтиришга, чорвачиликни ривожлантиришга, саноат ва социалистик деҳқончилик эҳтиёжлари учун гидроэлектр қуввати ишлаб чиқаришни кўпайтиришга хизмат қилади. Биз большевиклар партиясига, Совет ҳукуматига, ўртоқ Сталинга бу катта қурилишда актив қатнашамиз деб ва'да берамиз.

— Жонажон мамлакатимиз олдида порлоқ истиқбол очилмоқда, — деди ўз сўзида йиғув цехининг стахановчиси ўртоқ А. И. Суханов. — Куйбишев ва Сталинград ГЭСлари, Бош Туркман канали, Каховка гидроэлектростанцияси, Жанубий Украина ва Шимолий Қрим каналлари каби қурилишларни қаҳрамон совет халқимизгина уддалай олади. Совет халқи ўз истиқболига дадиллик блан қарайди ва тинчлик ишига қаттиқ ишонади. Америкали ва инглиз уруш оловини ёқувчилар Қуриянинг шаҳар ва қишлоқларида бегуноҳ кишиларнинг қони тўкилаётган дун'ё халқларини атом ва водород бомбалари блан қўрқитмоқчи бўлаётган бир вақтда, совет халқи, большевиклар партияси ва улуғ Сталиннинг раҳбарлигида, тинч қурилиш масалаларини, табиатни ўзгартириш вазифаларини муваффақият блан ҳал қилмоқда. Мамлакатимизда яшаш ва меҳнат қилиш қувончлидир. Ўз меҳнатингиз блан халқ бахти-саодати учун, тинчлик иши учун хизмат қилаётганлигингизни билиш қувончлидир!

Горький номидаги станоксозлик заводининг коллективи якдиллик блан қабул қилинган резолюциясида СССР Министрлар Советининг Қарорига жавобан, социалистик мусобақани янада кучайтириш, станоклар ишлаб чиқариш йиллик программасини Улуғ Октябрьнинг 33 йиллигитача бажариш ва йил охиригача пландан ташқари яна ўнларча станок ишлаб чиқариш мажбуриятини олди.

## Халқ бахт-саодати учун

ҚАРШИ, (ЎзТАГ). Қарши темир йўл узелининг ишчилари, хизматчилари ва мутахассислари ишга чиқаётган вақтда СССР Министрлар Советининг Жанубий Украина ва Қримдаги катта гидротехника иншоотлари тўғрисидаги Қарори радиода эшитдирилабошлади. Темирйўлчилар коммунизмнинг янги буюк қурилишлари ҳақидаги бу хушхабарни зўр қувонч блан кутиб олдилар. Паровоз бўлимида репродуктор олдида дарҳол митинг бўлди.

Машинист-инструктор Погорянский митингга йиғилганларнинг фикр-зикрини ифода қилиб, бундай деди:

— Иттифоқ Ҳукуматининг янги қарори коммунизм учун олиб бораётган курашимиз тарихига олтин ҳарфлар блан ёзилади. Ғалаба қозонган социализм мамлакати бўлган бизнинг Ватанимиздагина табиатни ўзгартиришдан иборат бундай буюк планлар муваффақият блан амалга оширилади. Бу планлар халқимизнинг ҳаётини янада қувончли ва бахтли қилишга қаратилгандир. Биз, темирйўлчилар, бутун совет халқи блан бирга, сталинча қурилишларнинг улуғвор программасини тезроқ амалга ошириш учун тинмай меҳнат қиламиз.

Темир йўлда хизмат қилувчи меҳнаткашлар ҳукуматнинг янги буюк қурилиш ҳақидаги қарорини Ватанимиз учун фахрланган ҳолда зўр хурсандчилик блан кутиб олдилар. Ғузор, Бешкент, Косон районларининг колхозчилари партиянинг, ҳукуматнинг ва ўртоқ Сталиннинг халқимиз бахт-саодати тўғрисида қилаётган ғамхўрлигига жавобан, пахта териш ва давлатга топшириш сур'атини янада оширишга қарор қилдилар.

Ғафур ҒУЛОМ

## Озарбайжонли пахтакор қардошларга

Инжулар уйилган кумуш баркашдай
Бўлиқ пахтамиздан тоғ-тоғ хирмонлар.
Далалар саломга қўлин чўзади
— Марҳамат қардошлар, азиз
меҳмонлар.

Йил бўйи қилинган меҳнат маҳсулин
Бебаҳо дурлари ушбу бўлади,
Заҳматнинг қадрини заҳматкаш билур
Дўст диллар бир-бирга кўзгу бўлади.

Икки қардош ўлка — икки эгизак
Бел тутиб кирганда бу майдон ичра
Шарафли меҳнатнинг шавқи—ғурури
Ҳатто сиғмай қолди бу жаҳон ичра.

Эҳ — ҳе... минг-минг йиллар минг
наслллардан
Қолиб келаётган шу —ўша замин.
Аммо, бу ерларни совет кишиси
Меҳнат ва илмила тўлдирди камин.

Илму — ма'рифатдир жилолантирган
Меҳнатнинг олмосдай қадру-қимматин
Советлар фанидир кўкка кўтарган
Ҳамма меҳнатнинг ҳам солмоқ,
ҳурматин.

Икки республика қўл-қўл тутушиб
Оламча мазмунли ҳосил ундирдик.
Асримиз илмини меҳнатга замлаб,
Ерни ва иқлимни ўзга кўндирдик.

Бизнинг ҳосилларни кўрган қардош
халқ
Қувонар уйинга тўлгандай буғдой.
Юрагни уруши юзига тепиб,
Ташаккур айтаркан кафтлари чўғдай.

Қардош Озарбайжон пахтакорлари
Сизнинг шарафингиз бу бизнинг
шараф
Ажойиб Ватаннинг фарзандларимиз
Қондош — қариндошдир тўртала
тараф.

Бизнинг пахтамиздан олам ясанур,
Ишимиз халқларнинг зийнати-кўрки,
Юксак ҳосилимиз муҳайё, аммо
Сўнгги кўраккача терайлик, чунки:

Ҳар грамм пахтадан оламча мазмун.
Бу мазмун оламда тинчликнинг иши
Тинчлик, омонликни орзу қилмаган
Онадан чалароқ туғилган киши.

22 сентябрь.

## Ўзбекистон ССР областьларида 1950 йил 23 сентябрьгача пахта тайёрлашнинг бориши ҳақида

## МА'ЛУМОТ

(процент ҳисоби блан)

| Областьлар | мавсум бошидан бери | бир кунлик ўсиш |
|---|---|---|
| Бухоро | 45,9 | 1,9 |
| Фарғона | 33,4 | 1,9 |
| Сурхондар'ё | 31,0 | 1,7 |
| Андижон | 30,8 | 1,5 |
| Наманган | 30,3 | 1,8 |
| Хоразм | 29,1 | 1,6 |
| Қашқадар'ё | 27,5 | 1,6 |
| Самарқанд | 22,6 | 1,5 |
| Қорақалпоғистон АССР | 20,7 | 1,3 |
| Тошкент | 18,1 | 1,4 |
| Совхозлар | 17,4 | 1,2 |
| Республикада ҳаммаси | 28,7 | 1,6 |

Озарбайжон ва Ўзбекистон пахтакорлари ўртасидаги социалистик мусобақа шартномасининг бажарилишини текшириш учун 22 сентябрьда Тошкентга қардош Озарбайжон республикасининг делегацияси келди. Суратда: (чапдан ўнгга) А. Мамедов, К. Алиева, Л. Мамедова, делегация раҳбари А. К. Оруджев, М. А. Алиев, М. Мамедов, И. Ганбов, Г. Бобоев ва Р. М. Гаджиев ўртоқлар Тошкент аэродромида.
И. Глауберзон фотоси.

### СССР Олий Совети Президиумининг Фармони

# Тошкент область қишлоқ хўжалик илғорларини орден ва медальлар блан мукофотлаш тўғрисида *)

СССР Олий Совети Президиумининг 1949 йил 22 июнь, 1948 йил 24 апрель, 2 июнь ва 1947 йил 17 сентябрьда чиқарган фармонларига мувофиқ, сувли ерларда қанон поясидан, шоли, ер ёнғоғи ва картошкадан мўл ҳосил олганликлари, колхозлар эса ҳамма қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб бериш мажбуриятларини ва контрактация шартларини бажаргавликлари, МТСларнинг 1949 йилда қилган ишлари учун натура ҳақини тўлаб бўлганликлари ва 1950 йил кўкламида экиш учун етарли миқдорда барча экинлар уруғини жамғариб қўйганликлари учун мукофотлансин:

**«ШАВКАТЛИ МЕҲНАТ УЧУН» МЕДАЛИ БЛАН**

4. **Ан** Та Ен — Қуйичирчиқ районидаги Димитров номли колхознинг бригада бошлиғи.
5. **Аворқулов** Раҳим — Қуйичирчиқ районидаги Димитров номли колхознинг а'зоси.
6. **Жалилова** Махсума — Калинин районидаги Сталин номли 2-нчи колхознинг звено бошлиғи.
7. **Дорақулов** Ҳамро — Қуйичирчиқ районидаги Димитров номли колхознинг звено бошлиғи.
8. **Эгамбердиев** Раҳмонберди — Қорасув районидаги Свердлов номли колхознинг звено бошлиғи.
9. **Ким** Анатолий — Қуйичирчиқ районидаги Димитров номли колхознинг бригада бошлиғи.
10. **Ким** Алексей Николаевич — Қуйичирчиқ районидаги «Новая жизнь» колхозининг а'зоси.
11. **Ким** Галина — Қуйичирчиқ районидаги Димитров номли колхознинг а'зоси.
12. **Ким** Гим Нен — Қуйичирчиқ районидаги «Новая жизнь» колхозининг а'зоси.
13. **Ким** Иван — Қуйичирчиқ районидаги Димитров номли колхознинг а'зоси.
14. **Ким** Михаил — Қуйичирчиқ районидаги Димитров номли колхознинг а'зоси.
15. **Ли** Владимир — Қуйичирчиқ районидаги «Новая жизнь» колхозининг а'зоси.
16. **Ли** Ольга — Қуйичирчиқ районидаги «Новая жизнь» колхозининг а'зоси.
17. **Ли** Гим Сон — Қуйичирчиқ районидаги «Новая жизнь» колхозининг а'зоси.
18. **Лю** Анатолий — Қуйичирчиқ районидаги Димитров номли колхознинг а'зоси.
19. **Мавлонова** Мунаввар—Калинин районидаги Сталин номли 2-нчи колхознинг звено бошлиғи.
20. **Муҳамаджонов** Тўхта — Калинин районидаги Сталин номли 2-нчи колхознинг бригада бошлиғи.
21. **Нажмиддинов** Сайфиддин — Қорасув районидаги Свердлов номли колхознинг звено бошлиғи.
22. **Пай** Юрий — Қуйичирчиқ районидаги Димитров номли колхознинг а'зоси.
23. **Пак** Анатолий — Қуйичирчиқ районидаги «Новая жизнь» колхозининг а'зоси.
24. **Пак** Федор — Қуйичирчиқ районидаги Димитров номли колхознинг а'зоси.
25. **Пак** Чан Сен — Қуйичирчиқ районидаги «Новая жизнь» колхозининг а'зоси.
26. **Пирматов** Иса — Калинин районидаги Ватутин номли колхознинг звено бошлиғи.
27. **Солибоев** Охун — Қуйичирчиқ районидаги «Новая жизнь» колхозининг а'зоси.
28. **Солихов** Зайниддин — Калинин районидаги Ватутин номли колхознинг звено бошлиғи.
29. **Саримсоқов** Қурбонбек — Қуйичирчиқ районидаги Димитров номли колхознинг а'зоси.
30. **Сафарғалиева** Зоя — Қуйичирчиқ районидаги «Новая жизнь» колхозининг а'зоси.
31. **Сиддиқов** Юсуф — Калинин районидаги Ватутин номли колхознинг звено бошлиғи.
32. **Сон** Тимофей — Қуйичирчиқ районидаги «Новая жизнь» колхозининг а'зоси.
33. **Тен** Федор — Қуйичирчиқ районидаги Димитров номли колхознинг а'зоси.
34. **Угай** Хон Ги — Қуйичирчиқ районидаги Димитров номли колхознинг а'зоси.
35. **Умаров** Ғани — Калинин районидаги Ватутин номли колхознинг звено бошлиғи.
36. **Усмонов** Адҳам — Калинин районидаги Ватутин номли колхознинг звено бошлиғи.
37. **Ҳакимов** Собит — Калинин районидаги Ватутин номли колхознинг звено бошлиғи.
38. **Ҳакимов** Сайди — Калинин районидаги Ватутин номли колхознинг звено бошлиғи.
39. **Ҳикматов** Абдулла — Калинин районидаги Ватутин номли колхознинг звено бошлиғи.
40. **Ҳусанова** Умри — Калинин районидаги Сталин номли 2-нчи колхознинг звено бошлиғи.
41. **Цой** Вон Сен — Қуйичирчиқ районидаги Димитров номли колхознинг а'зоси.
42. **Цой** Дя Ир — Қуйичирчиқ районидаги Димитров номли колхознинг а'зоси.
43. **Ше** Ен Хва — Қуйичирчиқ районидаги «Новая жизнь» колхозининг а'зоси.
44. **Шин** Вера — Қуйичирчиқ районидаги Димитров номли колхознинг а'зоси.
45. **Эргашев** Ҳаким — Калинин районидаги Ватутин номли колхознинг звено бошлиғи.
46. **Эргашев** Ҳожи — Калинин районидаги Ватутин номли колхознинг бригада бошлиғи.
47. **Югай** Николай — Қуйичирчиқ районидаги «Новая жизнь» колхозининг а'зоси.
48. **Йўлдошев** Эргаш — Қуйичирчиқ районидаги Димитров номли колхознинг а'зоси.
49. **Юсупов** Қодирали—Калинин районидаги Ватутин номли колхознинг бригада бошлиғи.

**«МЕҲНАТДА ЎРНАК КЎРСАТГАНИ УЧУН» МЕДАЛИ БЛАН**

1. **Азизов** Ҳусниддин — Калинин районидаги Ватутин номли колхознинг а'зоси.
2. **Ан** Су Ир — Қуйичирчиқ районидаги «Новая жизнь» колхозининг а'зоси.
3. **Ан** Хи Су — Қуйичирчиқ районидаги Димитров номли колхознинг а'зоси.
4. **Баҳодирова** Ҳабиба — Калинин районидаги Ватутин номли колхознинг а'зоси.
5. **Гайсинова** Зайнаб — Қорасув районидаги Свердлов номли колхознинг а'зоси.
6. **Де** Константин — Қуйичирчиқ районидаги Димитров номли колхознинг а'зоси.
7. **Жўраева** Иқбол — Калинин районидаги Ватутин номли колхознинг а'зоси.
8. **Дю** Сун Дек — Қуйичирчиқ районидаги Димитров номли колхознинг а'зоси.
9. **Исоқова** Умри — Калинин районидаги Ватутин номли колхознинг а'зоси.
10. **Кан** Гир Нам — Қуйичирчиқ районидаги Димитров номли колхознинг а'зоси.
11. **Кан** Николай — Қуйичирчиқ районидаги Димитров номли колхознинг а'зоси.
12. **Кан** Ольга — Қуйичирчиқ районидаги «Новая жизнь» колхозининг а'зоси.
13. **Кан** Петр — Қуйичирчиқ районидаги «Новая жизнь» колхозининг а'зоси.
14. **Каримова** Нафиса — Калинин районидаги Ватутин номли колхознинг а'зоси.
15. **Ким** Александра — Қуйичирчиқ районидаги «Новая жизнь» колхозининг а'зоси.
16. **Ким** Ги Ун — Қуйичирчиқ районидаги Димитров номли колхознинг а'зоси.
17. **Ким** Николай — Қуйичирчиқ районидаги «Новая жизнь» колхозининг а'зоси.
18. **Ким** Николай — Қуйичирчиқ районидаги Димитров номли колхознинг а'зоси.
19. **Ким** Сергей — Қуйичирчиқ районидаги Димитров номли колхознинг а'зоси.
20. **Ким** Ха Ук — Қуйичирчиқ районидаги Димитров номли колхознинг а'зоси.
21. **Ким** Хак Сен — Қуйичирчиқ районидаги Димитров номли колхознинг а'зоси.
22. **Ким** Хин Нам — Қуйичирчиқ районидаги Димитров номли колхознинг а'зоси.
23. **Когай** Петр — Қуйичирчиқ районидаги Димитров номли колхознинг а'зоси.
24. **Қурбонова** Ҳожия — Қорасув районидаги Свердлов номли колхознинг а'зоси.
25. **Ли** Николай — Қуйичирчиқ районидаги Димитров номли колхознинг а'зоси.
26. **Ли** Петр — Қуйичирчиқ районидаги Димитров номли колхознинг а'зоси.
27. **Мансуров** Сиддиқ—Калинин районидаги Ватутин номли колхознинг а'зоси.
28. **Маҳмудов** Тешабой — Калинин районидаги Ватутин номли колхознинг а'зоси.
29. **Махсудова** Ма'суда — Калинин районидаги Ватутин номли колхознинг а'зоси.
30. **Мирбобоев** Гадой — Калинин районидаги Сталин номли 2-нчи колхознинг а'зоси.
31. **Не'матова** Салима — Калинин районидаги Ватутин номли колхознинг а'зоси.
32. **Одилова** Насиба — Калинин районидаги Ватутин номли колхознинг а'зоси.
33. **Олимов** Ёқуб — Калинин районидаги Ватутин номли колхознинг а'зоси.
34. **Фозилов** Аҳмад — Қорасув районидаги Свердлов номли колхознинг а'зоси.
35. **Пай** Михаил — Қуйичирчиқ районидаги «Новая жизнь» колхозининг а'зоси.
36. **Пак** Владимир — Қуйичирчиқ районидаги Димитров номли колхознинг а'зоси.
37. **Пак** Ген Бо — Қуйичирчиқ районидаги Димитров номли колхознинг а'зоси.
38. **Пак** Мария — Қуйичирчиқ районидаги «Новая жизнь» колхозининг а'зоси.
39. **Пак** Тай Ун — Қуйичирчиқ районидаги Димитров номли колхознинг а'зоси.
40. **Пак** Тяк Ен — Қуйичирчиқ районидаги Димитров номли колхознинг бригада бошлиғи.
41. **Раҳимов** Ғулом — Қуйичирчиқ районидаги Димитров номли колхознинг а'зоси.
42. **Сандалимова** Орифа — Калинин районидаги Сталин номли 2-нчи колхознинг а'зоси.
43. **Сандалимов** Мирза — Калинин районидаги Сталин номли 2-нчи колхознинг а'зоси.
44. **Солихова** Зўҳро—Калинин районидаги Ватутин номли колхознинг а'зоси.
45. **Самиқов** Собир — Калинин районидаги Сталин номли 2-нчи колхознинг а'зоси.
46. **Холиқов** Мақсуд — Калинин районидаги Ватутин номли колхознинг а'зоси.
47. **Холманова** Марҳамат — Қорасув районидаги Свердлов номли колхознинг а'зоси.
48. **Хван** Ха Дин — Қуйичирчиқ районидаги Димитров номли колхознинг а'зоси.
49. **Цай** Ян Сак — Қуйичирчиқ районидаги Димитров номли колхознинг а'зоси.
50. **Цой** Данил — Қуйичирчиқ районидаги Димитров номли колхознинг а'зоси.
51. **Шин** Дон Хван — Қуйичирчиқ районидаги «Новая жизнь» колхозининг а'зоси.
52. **Шин** Николай — Қуйичирчиқ районидаги Димитров номли колхознинг а'зоси.
53. **Ю** Чан Юр — Қуйичирчиқ районидаги Димитров номли колхознинг а'зоси.
54. **Йўлдошев** Арзимат — Калинин районидаги Ватутин номли колхознинг а'зоси.
55. **Юсупов** Ислом — Калинин районидаги Ватутин номли колхознинг а'зоси.
56. **Юсуфхўжаева** Собира—Калинин районидаги Сталин номли 2-нчи колхознинг а'зоси.

**СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. ШВЕРНИК.**
**СССР Олий Совети Президиумининг Секретари А. ГОРКИН.**

Москва, Кремль
1950 йил 18 сентябрь.

*) Боши «Қизил Ўзбекистон» нинг шу йил 23 сентябрь сонида босилган.

Тошкент-товар станцияси депосининг машинисти коммунист **А. А. Беседин** август ойида тепловознинг техника тезлигини бирмунча оширив, 880 килограмм кўмир тежади. **Суратда:** ўртоқ **А. А. Беседин.**

**А. Ашкинезер** фотоси.
(ЎзТАГ фотохроникаси).

## ЗАВОД ҲАЁТИ ЯНГИЛИКЛАРИ

◆ Тошкентдаги Каганович номли паровоз ва вагон ремонти заводига яқинда янги машиналар келтирилди. Электр қуввати блан пайванд қилиш машинаси айниқса диққатга сазовордир. Чунки шу вақтгача электр пайванд қилиш фақат қўлда бажарилар эди. Янги машина эса пайванд қилиш сур'атини қўлдагига нисбатан 6—7 марта оширади. Бундан ташқари, қуйиш цехларига асбоб қолиплайдиган 4 та станок, вагон цехига асбобнинг 4 томонини бирдан рандалайдиган станок ва механика цехига 3 та янги станок ўрнатилиб, ишга туширилди. Бу янги машина ва станоклар меҳнат унумини оширишга катта ёрдам бермоқда.

◆ Красногвардейск қанд заводини қайта ускуналаш юзасидан катта ишлар қилиниб, жуда кўп янги машина ва ускуналар ўрнатилди, лавлаги қайнатиш цехларига шира совутадиган ва бошқа асбоблар қўйилди. Илғор совет техникаси асосида ишланган бундай асбоблар бошқа цехларда ҳам монтаж қилинди.

◆ Қўқон шаҳридаги Охунбобоев номли ип-йигирув, пайпоқ тўқув комбинати тўқувчилик цехининг бош мастери ўртоқ Крангауз пайпоқ тўқийдиган янги станок ўйлаб чиқарди. Бу станокда пайпоқлар беш хил рангда тўқилади. Шунингдек, ўртоқ Крангауз пайпоққа гул солиш машинасини ҳам ихтиро' этди. Бу станокда тўқиладиган пайпоқлар бўёқчилик цехига кирмасданоқ, шу цехнинг ўзида тайёр бўлиб чиқади.

◆ «Ташсельмаш» заводининг кекса ишчиси токарь Евгений Иванович Иванов фрезер станогида 18 йил капитал ремонтсиз ишламоқда. Стахановчи Иванов ремонт учун сарф қилинадиган вақт ҳисобига станокнинг ишлаш муддатини 7 ойга оширди. Авариясиз ишлаш ҳамда планга мувофиқ ва пландан ташқари ремонтларни камайтириш натижасида тежалган вақтни ҳам ҳисобга олганда, станокнинг иш муддати 1 йилга оширилди.

◆ «Электрокабель» заводида илғорларнинг стахановча иш усулларини ўрганиш ва ишлабчиқаришга жорий қилиш масалалари блан шуғулланадиган методик бюро ташкил этилди. Ҳозир 2-нчи цехда фото-хронометражлар ўрнатилиб, илғор ишчилардан Крупкова, Кабанова, Токарева, Золкина, Лебедева ўртоқларнинг стахановча усуллари иш устида ўрганилмоқда. Инженер Князев ва технолог Кузьмин ўртоқлар стахановчи Солоухиннинг тажрибаларини ўрганиш устида ишлаётирлар.

## ПАХТАКОРЛАРГА КИНО ХИЗМАТИ ЯХШИЛАНАЁТИР

Бу йил Қорақалпоғистон АССР колхоз посёлкаларидаги кино-театр тормоқларини кенгайтириш юзасидан катта ишлар қилинди. Кино тормоқларини кенгайтириш плани муддатидан илгари бажарилди. Ҳатто Тўрткўл районидан узоқ Қирқ қиз овулига кўчиб борган хўжаликлар ҳам кино-театрлар блан та'мин этилди.

Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети қошидаги Кинофикация бошқармаси пахта йиғим-терими даврида колхозчиларга янада яхши хизмат қилиш учун Шоббоз районига 2 та, Қораўзак, Тахтакўпир, Қипчоқ ва бошқа районларга биттадан кўчма кино юборди.

**Г. КАРИМБЕРДИЕВ.**

## МЕҲНАТ ВА ТЕХНИКАГА ДОИР ЛЕКЦИЯЛАР

Самарқанд темир йўл узелининг техника кабинети бир ой ичида меҳнатнинг илғор методлари, техника хавфсизлиги ва техникага доир бошқа масалалар юзасидан 15 марта лекция ўтказди.

Узелдаги ишчи ва хизматчилар инженер ва техник ходимлар лекцияларини зўр қизиқиш блан тингладилар.

**Б. ПИРНАЗАРОВ.**

## КЛУБДА ЎҚУЧИЛАР ХОНАСИ

Чирчиқ электрохимия комбинатининг клуби қошида ўқучилар хонаси ташкил этилиб, яхшилаб жиҳозлантирилди. Бу ерда комбинат ишчи, хизматчиларининг болалари навбатчи ўқитувчилар раҳбарлигида дарс тайёрлайдилар ва уй топшириқларини бажарадилар.

Шунингдек, ўқучилар хонасида ота-оналар блан мактаб ҳаётига доир темаларда суҳбатлар ҳам ўтказилади.

**Т. СИХОРУЛИДЗЕ.**

### СОВЕТ ҚУРИЛИШИ

# Сайловчилар наказини бажариш — депутатларнинг муқаддас бурчи

Ўзбекистон ССР Олий Советининг Президиуми меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар, Сталин район Советида депутатлар сайловчиларнинг наказини қандай бажараётганликлари ҳақидаги масалани кўриб чиқди. Текшириш натижасида шу нарсалар аниқландики, сайловчилар наказини бажариш район Совети ва унинг ижроия комитети ишида асосий вазифалардан бири даражасига кўтарилмаган.

Район Советининг ижроия комитети барча сайлов округлари бўйича сайловчилардан тушган наказларни ўз вақтида ҳисобга олиш ва амалга оширишни та'минламаган ҳамда депутатларнинг ўз вақтида сайловчиларга ҳисобот бериб туришларини та'минлашда уларга етарли ёрдам кўрсатмаган, сайловчилар наказининг қандай бажарилиши устидан доимий назорат ўрнатилмаган.

Район Советининг 135 депутатидан 13 депутатгина ўз сайловчилари ўртасида ҳисобот берган, бошқа округлардаги сайловчилар ўзларининг янги таклифларини айтиш, шунингдек ўз депутатларининг фаолиятини назорат қилиш имкониятидан маҳрум бўлиб қолганлар.

Матковский, Межетов, Арутюнова, Мамажонова ўртоқлар сингари ба'зи депутатлар ўз сайловчилари олдида ҳисобот бермасликлари устига, доимий комиссияларнинг ишида ҳам иштирок этмайдилар. Район Советининг депутати Чигиринцев 11-нчи сессияда ободончилик масалалари блан шуғулланучи доимий комиссиянинг раиси вазифасидан озод қилинган.

Район ижроия комитетининг доимий комиссиялари йиғилишларини онда-сондагина ўтказадилар, район ижроия комитети блан мустаҳкам алоқа боғлаб ишламайдилар. Ижроия комитет уларга амалий ёрдам кўрсатмайди. Район ижроия комитетида доимий комиссияларнинг иш плани йўқ. 9 та доимий комиссиядан биронтаси ҳам меҳнаткашлар депутатлари район Совети ижроия комитетининг сессияларида сайловчилар наказини бажариш соҳасидаги ишлар тўғрисида ҳисобот бермаган.

Меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий советларига бўлиб ўтган сайловлардан буён район Совети фақат 12 мартагина сессия ўтказган.

Бир мунча депутатлар сессияларда иштирок этмайди. Депутатлардан Ягудаева ва Аҳмедов фақат бир сессияда, депутат Нуриддинов 2 сессияда, депутат Не'матжонова 3 сессияда ва депутат Шевердин 5 сессияда иштирок этганлар, холос.

Натижада, районнинг хўжалик ва маданий қурилиш планида кўзда тутилган кўпгина тадбирлар бажарилмай қолган. 1949 йилда районнинг ободончилиги учун ажратилган 318 минг 600 сўм пул фойдаланилмай қолган, 1950 йилда йўл-кўприк хўжалиги, кўкаламзорлаш, ободончилик ва ирригация учун ажратилган маблағлардан қониқарсиз фойдаланилмоқда. Маданий-оқартув муассасалари аҳолининг тобора ўсаётган талабини қондиролмайди.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг Президиуми меҳнаткашлар депутатлари Сталин район Советининг сайловчилар наказини бажариш соҳасидаги ишида содир бўлган бу камчиликларни тугатиш юзасидан зарур тадбирларни белгилади.

Район ижроия комитетига сайловчиларнинг наказини ҳисобга олишни ташкил этиш ва йўлга қўйиш, ишнинг ҳамма соҳаси бўйича наказларни тўплаш, таҳлил қилиш ва амалга ошириш, сайловчилар наказининг бажарилишини текшириш учун район Совети ижроия комитети раҳбарларидан бирини шахсий жавобгар қилиб қўйиш, унинг ишини муҳокама қилиб туриш вазифаси топширилди. Сайловчиларнинг депутатлар ишини назорат қилиб туришини та'минлаш, сайловчиларнинг янги таклифлари ҳамда танқидий фикрларини тўплаш мақсадида барча сайлов округларида депутатларнинг мунтазам суратда ҳисобот бериб туришини ташкил қилиш вазифаси район ижроия комитетига юклатилди.

Меҳнаткашлар депутатлари район Советининг доимий комиссиялари ишини яхшилаш, ишни план асосида олиб боришда уларга амалий ёрдам кўрсатиш, мажлислар чақириб туриш ва доимий комиссиянинг ишига кенг жамоатчилик активларини жалб қилиш, сессияларда сайловчилар наказининг бажарилиши ҳақида доимий комиссияларнинг ҳисоботини эшитиш, сайловчилар наказини бажариш соҳасида депутатларнинг ва ижроия комитетнинг ишларини матбуотда мунтазам ёритиб бориш зарурлиги кўрсатилди.

Меҳнаткашлар депутатлари район Советининг сессияларини Ўзбекистон ССР Конституциясида белгиланган муддатларда ўтказиш, сессия муҳокамасига қўйилган масалаларни тайёрлаш ва муҳокама қилишда доимий комиссияларнинг актив иштирок этишини, барча депутатларнинг сессия мажлисларига қатнашишини та'минлаш вазифаси топширилди.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг Президиуми барча меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетларига сайловчилар наказининг бажарилиши ҳақидаги масалани муҳокама қилиш ва бу ишда мавжуд бўлган камчиликларни тугатиш учун тегишли чора кўришни тавсия қилди.

## *Қишлоқ совети раисларининг область кенгаши*

ТЕРМИЗ, («Қизил Ўзбекистон» мухбиридан). Бу ерда қишлоқ совети раисларининг область кенгаши бўлиб ўтди. Кенгашга район ижроия комитети раислари ва область партия, совет ва хўжалик ташкилотларининг раҳбар ходимлари ҳам иштирок этдилар.

Кенгашда пахта териш ва тайёрлашнинг бориши ҳақида бирнеча қишлоқ советининг раислари сўзладилар. Денов район, Кенагас қишлоқ советининг раиси ўртоқ Тоштемиров бу йил пахтадан юқори ҳосил етиштирилганлигини, гектаридан шартномадаги 28 центнер ўрнига 33 центнердан ҳосил олиш мўлжалланаётганлигини айтди. У, қишлоқ советидаги колхозларда пахта ҳосилини териш ва тайёрлаш сур'ати кундан-кун ошиб бораётганига доир фактлар келтирди.

— Қишлоқ советимиздаги йириклаштирилган Куйбишев номли колхоз, — деди ўртоқ Тоштемиров, — 906 гектар ернинг ҳар гектаридан ҳозирдаёқ ўрта ҳисоб блан 10 центнердан пахта топширди. Колхозда кунлик териш графиги ошириб бажарилмоқда. Бирмунча бригада ва звенолар ҳозирдаёқ пахтадан мўл ҳосил топширдилар. «Қизил Фарғона» колхозининг Муҳаммад ота Отахонов бошлиқ звеноси биринчи теримдан гектар бошига 40 центнердан пахта олди.

Телпакчинор қишлоқ совети — Узун районининг энг йирик ва юқори ҳосилли пахтакор участкаси ҳисобланади. 2600 гектар ерга пахта экилган бу қишлоқ совети йиллик планини 30 процентдан ошириб адо этди. Қишлоқ советининг раиси ўртоқ Мусаев Улуғ Октябрь революциясининг 33 йиллиги шарафига ҳар гектардан 35 центнердан пахта топширишга кенгаш қатнашчиларини ишонтирди.

Жарқўрғон район, Жарқўрғон қишлоқ советининг раиси Тожиев, Шўрчи район, Шўрчи қишлоқ советининг раиси Норбоев, Сариосиё район, Дашнабод қишлоқ советининг раиси Болтаев, Шеробод район, Талашган қишлоқ советининг раиси Муродов ва бошқа ўртоқлар ҳам пахта териш ва тайёрлашдаги тажрибалари, қишлоқ совети ва депутатларнинг ишлари ҳақида гапирдилар.

Кенгашда Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг бюро а'зоси, СССР Олий Советининг депутати И. Е. Петров пахта йиғим-терими муносабати блан қишлоқ советлари олдида турган вазифалар тўғрисида сўзлади. Ўртоқ Петров, асосий кучларни теримга сафарбар этиш блан, далада оммавий-сиёсий ва маданий-маиший ишларни кучайтириш, беш-ўн минг килограммчилар сонини кўпайтириш, ҳарбир колхоз ва қишлоқ советида берилган графикни сўзсиз бажариш тадбирларини пухталич блан амалга ошириш зарурлигини уқдириб ўтди.

Меҳнаткашлар депутатлари Сурхондарё область Совети ижроия комитети томонидан чақирилган бу кенгашда пахта териш ва тайёрлашни тезлатиш юзасидан зарур тадбирлар белгиланди.

**Л. ЭРГАШЕВ.**

### «ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

## „Мотоциклли товламачи"

«Қизил Ўзбекистон» нинг шу йил 20 май сонида юқоридаги сарлавҳа остида А. Олимжон ва С. Отажонов ўртоқларнинг фельетони босилган эди. Фельетонда Наманган область маданий-оқартув бўлимида инспектор бўлиб ишлаб турган Шариф Нишоновнинг партия а'зосига номуносиб ҳатти-ҳаракатлари, бир вақтлар матбуотда ишлаганлигини пеш қилиб, фирибгарлик, товламачилик йўлига ўтиб, турли жойлардан қонунсиз равишда ҳархил нарсаларни олиб келганлиги, унинг ҳақида турли ташкилотлардан келган акт ва шикоят материаллар тегишли ташкилотлар томонидан текширилмаётганлиги кўрсатилган эди.

Ўзбекистон К(б)П Наманган шаҳар комитетининг секретари ўртоқ Эшонхонов фельетон шаҳар партия комитетининг бюро мажлисида муҳокама қилиниб, унда кўрсатилган фактларнинг ҳаммаси тўғри топилганлигини редакциямизга хабар қилди.

Наманган шаҳар партия комитетининг бюро мажлиси Шариф Нишоновни қишлоқ хўжалик артели Уставини бузиб, Чкалов номли колхоз еридан ўз шахсий манфаати учун фойдаланиб келганлиги ва товламачилик йўлига ўтганлиги учун ВКП(б) сафидан ўчиришга қарор қилди.

## „Пассажир автомашина қачон юради"

«Қизил Ўзбекистон» нинг шу йил 19 сентябрь сонида юқоридаги сарлавҳа остида редакцияга хат босилиб, Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти министрлиги томонидан Тошкент шаҳридан Қуйичирчиқ районига қатнаш учун ажратилган пассажир автомашина кейинги вақтларда сабабсиз қатнамай қўйганлиги кўрсатилган эди.

Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти министрининг ўринбосари ўртоқ Юсупов бу хат юзасидан текшириш ўтказилиб, унда кўрсатилган фактлар тўғри топилганлигини ва Янгийўл шаҳридан Солдатское посёлкасига шу йил 1-нчи октябрьдан бошлаб пассажир автобус қатнашини та'минлаш ҳақида тегишли тадбирлар белгиланганлигини редакциямизга хабар қилди.

### БОСИЛМАГАН ХАБАРЛАР ИЗИДАН

Редакциямизга келган бир хабарда Наманган область, Учқўрғон район, Чекмапа қишлоқ советидаги Калинин номли колхознинг собиқ раиси Ҳусанбоев қишлоқ хўжалик артели Уставини қўпол равишда бузиб, жамоат мулкини талон-торож қилиб келаётганлиги кўрсатилган эди.

Наманган область ижроия комитети бу хабар юзасидан текшириш ўтказиб, унда кўрсатилган фактларни тўғри деб топди ва хабарда кўрсатилган камчиликларни тугатиш учун амалий чоралар кўрди.

Калинин номли колхознинг собиқ раиси Ҳусанбоевни жиноий жавобгарликка тортиш учун тегишли ҳужжатлар прокуратура органларига топширилди.

## Қадимги Варахша шаҳарчасида илмий текшириш ишлари

Бизнинг эрамиздан илгариги 4—7 асрларда Бухоро давлатининг қадимги пойтахти бўлган Қизил-Қумдаги Варахша шаҳарчасининг вайроналарини совет олимлари урушдан илгариёқ топган эдилар. Ўша вақтдаёқ Бухоро ҳокимларининг саройини қазиш ишлари бошланган эди.

Қазиш вақтида археологлар қадимги маданиятнинг қимматбаҳо ёдгорликларини, шу жумладан идишлар, ҳайкалтарошлик буюмлари, нақшин деворлар ва бошқаларни топдилар.

Урушдан кейин Варахша шаҳарчасини қазиш ишлари яна давом эттирилди.

Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих ва археология институтининг тарих фанлари кандидати В. А. Шишкин бошчилигидаги экспедицияси сарой вайроналаридан жуда кўп қизиқ материаллар топдилар. Булар орасида алебастрдан (ганчдан) нозик сан'ат блан ишланган ҳайкаллар ва тасвирий сан'атнинг бошқа хилма-хил намуналари бор. Шунингдек, бу текширишлар натижасида Бухоро воҳасида биринчи марта туш блан ёзилган қадимги қўлёзмаларнинг парчалари топилди.

Бу материаллар ўзининг тарихий қиммати жиҳатидан Сталин мукофоти лауреати С. П. Толстов раҳбарлигидаги Хоразм экспедициясининг Тупроқ-қалада топган ва СССР Фанлар Академиясининг корреспондент-а'зоси А. Ю. Якубовский бошчилигидаги Тожик-Суғдиён экспедицияси томонидан Панжакент районида топилган қадимги маданият ёдгорликларидан қолишмайди.

Бу топилган ёдгорликлар ўзбек халқининг бой тарихини, унинг қадимги маданият ва сан'атини тасвирлаб беради, шу блан бирга, Ўрта Осиё халқлари маданиятини камситиб келган буржуа тарихчиларининг ғайри-илмий фикрларига узил-кесил зарба беради.

Бу йил қадимги Варахша шаҳарчасини ўрганиш иши давом эттирилади. Яқинда Ўзбекистон Фанлар академиясининг В. А. Шишкин бошчилигидаги экспедицияси Қизил-Қумда қазилаётган бу шаҳарча районига жўнаб кетди. Қадимги Бухоро хонлиги саройининг вайроналарини текшириш, шаҳарча ва унинг атрофидаги турар-жойларни ўрганиш бундан кейин ҳам давом эттирилади.

Экспедициянинг тарих фанлари доктори Я. Ғуломов бошчилигидаги бир группаси мазкур ернинг ирригация системасини ўрганиш блан шуғулланади.

Варахша атрофидаги районларда қадимги замонда жуда кенг майдон суғорилган. Бундан минг йилча бурун бу ерлар чет эл босқинчиларининг вайронгарчилик урушлари натижасида чўлга айланиб кетган.

Экспедициянинг ишида Ўзбекистон Фанлар академиясининг археологларидан ташқари, СССР Фанлар Академияси Моддий маданият тарихи институтининг ва Давлат эрмитажининг ходимлари ҳам қатнашадилар.

**А. КАЦМАН.**

## „Агитатор блокноти" журналининг 9-нчи сони босилиб чиқди

Журналнинг бу сони асосан пахта йиғим-теримига бағишланган бўлиб, унда пахта йиғим-терим кампанияси ва агитаторларнинг вазифалари сарлавҳали бошмақола, Ўзбекистон ССРнинг давлат бюджети, Чиноз районидаги «Коминтерн» колхоз бошланғич партия ташкилотининг 1950 йил пахта йиғим-терими даврида (сентябрь—ноябрь) оммавий агитация ишлари плани, социалистик мулкни сақлаш ҳақида, «Пахта ҳосилини тез ва нобуд қилмай йиғиб териб оламиз» деган материаллар берилган. Бундан ташқари ўртоқ В. Френичнинг пахта териш машиналаридан унумли фойдаланайлик ва ўртоқ Д. Эрлихнинг Совет мамлакатининг халқ хўжалигида пахтанинг тутган ўрни сарлавҳали мақолалари ҳамда 1950 йилги пахта йиғим-терими даврида ўтказиладиган лекция, доклад ва суҳбатларнинг темаси ёритилган.

**К. МУҲАМЕДОВ.**

# Октябрьолди мусобақасини кучайтириб, бугун кечагидан, эртага бугунгидан кўра кўпроқ пахта тайёрлайлик!

## Бухоро область пахтакорларининг қувончи

БУХОРО, 22 сентябрь. («Қизил Ўзбекистон» мухбиридан). Областьнинг пахтакорлари Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг Бухоро областига ва Шофрикон районига пахта тайёрлашда юксак сур'атларга эришганликлари учун кўчма қизил байроқ топшириш тўғрисидаги қарорини зўр хурсандчилик блан кутиб олдилар.

Шофрикон район, Шўрообод қишлоқ советидаги Сталин номли колхоз а'золарининг митингида ҳосилот советининг раиси донгдор пахта устаси Шарифбобо Ҳамроев бундай деди:

— Областимиз ва районимизга Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг кўчма қизил байроғи берилиши Бухоро пахтакорларининг ҳаётида катта воқиадир. Бу, бизларни бениҳоя қувонтириб, ғайратимизга ғайрат қўшади. Областимиз 22 сентябрьгача пахта тайёрлаш планини 44 процент, Шофрикон районн 50 процент, бизнинг колхозимиз эса 70 процент бажарди. Биз Бухоро пахтакорлари бу муваффақиятларимиз учун даставвал большевиклар партиясидан, совет ҳукуматидан ва шахсан улуғ йўлбошчимиз ўртоқ Сталиндан миннатдормиз.

Митинг қатнашчилари кекса пахтакорнинг сўзини якдиллик блан қувватлаб, пахта териш ва тайёрлаш сур'атини янада кучайтиришга қарор қилдилар.

Партия ва ҳукуматнинг қарори муносабати блан юзларча теримчи оширилган мажбуриятлар олди. Кўп колхозлар пахта териш ва топширишни кучайтиришга, пахта ортилган қизил карвонлар ташкил қилишга қарор бердилар. Бухоро районидаги Ленин номли колхознинг донгдор теримчиси Чиннихон Шаропова ҳозирдаёқ 8 минг килограмм пахта терди.

Область партия комитети ва область ижроия комитети пахта тайёрлашда юксак сур'атларга эришган илғор районларга топшириш учун кўчма қизил байроқ та'сис қилдилар. Область партия комитети ва область ижроия комитетининг қарорига мувофиқ, Ғиждувон ва Свердлов районларига сентябрь ойининг тўртинчи бешкунлигида яхши натижаларга эришганликлари учун кўчма қизил байроқ топширилди.

Бугун 22 сентябрьда Бухоро, Шофрикон, Вобкент, Қоракўл, Свердлов ва Ғиждувон районларининг тайёрлаш пунктларига пахта ортилган юзлаб қизил корвон келди.

С. КАРИМОВ.

Наманган область. Тўрақўрғон районидаги «Сталинград» колхозининг **Икром Нуриддинов** бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси а'золари Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 33 йиллиги шарафига социалистик мусобақани кучайтириб, ҳар куни йиллик планнинг 3,5—4 проценти миқдорида пахта топширмоқдалар. **Суратда: Икром Нуриддинов** бошлиқ комсомол ёшлар бригадаси пахта теримида.

В. Лейн фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

## Ҳар кун 6 процентдан пахта топширилмоқда

Самарқанд область, Метон районидаги Навоий номли колхоз (раиси ўртоқ Тўраев)нинг а'золари пахта йиғим-теримини уюшқоқлик блан ўтказмоқдалар. Колхозда ҳозиргача йиллик план 70 процент бажарилди.

Колхозчилар Бухоро область пахтакорларининг Октябрьолди социалистик мусобақасини қизитиш тўғрисидаги чақиригига жавобан, пахта йиғим-теримини янада кучайтириб юбордилар. Колхоздаги ҳамма бригада ва звеноларда социалистик мусобақа кучайтирилиб, алоҳида мажбуриятлар олинди. Натижада, терим сур'ати ошиб, колхоз ҳар куни йиллик планнинг 6 проценти миқдорида пахта топширмоқда.

Колхозда 5 — 7 ва 10 мингчилар ҳаракати тобора кучаймоқда. 36 колхозчи кунига 200 килограммга етказиб пахта термоқда. Мисқол Эшмирзаева, Тошбиби Абдиназарова, Хосият Гулматова, Саодат Алиева каби чевар теримчилар мавсум бошидан ҳозиргача 4 минг — 4 минг 500 килограммдан пахта тердилар.

Колхозчилар бухоролиларнинг чақиригига жавобан, 25 сентябрьгача пахта тайёрлаш йиллик планини бажариш мажбуриятини олдилар.

Н. МАМАДАМИНОВ.

## ФАРҒОНАДА МАШИНА БЛАН ПАХТА ТЕРИШ БОШЛАНДИ

Фарғона область, Бувайда районидаги 1-нчи МТС бу йил 17 та пахта терадиган машина олди. МТС бу машиналарни колхозларга чиқариб юборди.

Машина блан пахта теришдан олдин ҳайдовчи-механиклар мажбуриятлар олдилар. Мавсумда 50 гектар ердаги пахтани машина блан териш мажбуриятини олган Набижон Тошқўзиев Беглар қишлоқ советидаги Папанин номли колхозда биринчи бўлиб теримга тушди. Ўртоқ Тошқўзиев дастлабки куни 1,6 гектар ердаги пахтани терди.

Райондаги Калинин номли, Свердлов номли, Максим Горький номли ва Булганин номли колхозларда ҳам машина блан пахта теришга киришилди.

М. ШАРИПОВ.

## Пахтани машина блан теришга тайёрланмаётирлар

Наманган областининг Поп районидаги колхозларда бу йил 900 гектар ердаги пахта биринчи марта машина блан терилади. Ҳозир райондаги МТС 22 та СХМ — 48 маркали машинани колхозларга чиқариб, пахта теримига шайлаб қўйди. МТС яқинда яна 8 та машина олади. Райондаги колхозларда пахтаси машина блан териладиган участкалар аллақачон аниқлаб чиқилган. Тўда қишлоқ советидаги йирикланган «Правда» колхози ғўзаларининг баргларини тўкишга киришди. Бу колхозда ғўзанинг барглари, аэроплан[дан] дори сепиб тўкдирилмоқда. Ғўза ораларидаги ёввойи ўтлар йўқотилмоқда. Машина юрадиган йўллар текисланди. Колхоз эрта-индин пахтани машина блан теришга киришади.

Броқ шу кунларда Поп районидаги ба'зи колхоз раҳбарларининг пахтани машина блан теришга қарши кайфиятда эканликлари сезилиб қолди. Район марказидаги «Ўзгариш» колхозида шу пайтгача дори сепилиши керак бўлган участкалар ёввойи ўтлардан тозаланмаган. Ғўзанинг баргларини сун'ий равишда тўкиш учун дори тайёрланмаган. Ба'зи эгатларда ётиб қолган ғўзалар тўғрилаб қўйилмаган. Хўжаобод қишлоқ советидаги «Янги Фарғона» колхозининг раиси ўртоқ Пиримкул Парпиев эса, очиқдан-очиқ пахтани машина блан теришга қарши кайфиятда эканлигини сездирмоқда. У пахтани териб олишга ўз кучимиз етади деб, ғўзаларнинг баргини тўкдиришга киришмаган. Ғўза баргини тўкиш учун дори сепгани келтирилган аэроплан бу колхозда икки кун бекор ётган. Колхоз партия ташкилотининг секретари ўртоқ Дадабоев колхоз раисининг машинага қарши кайфиятига зарба бериш ўрнига, ўзи ҳам унинг фикрига қўшилмоқда. Шу қишлоқ советидаги Куйбишев номли колхознинг раиси ўртоқ Турдиев эса, машина блан теришга ажратилган 5 гектар ердаги пахтани қўл блан тердириб юборган.

Поп районидаги колхозларда пахтани машина блан теришга тайёрлик кўришдаги бундай камчиликлар район партия ва совет ташкилотларининг раҳбарларига ма'лум. Район партия комитетининг секретари Рахимов ва район ижроия комитетининг раиси Ботиров ўртоқлар айрим колхоз раҳбарларининг пахтани машина блан теришга қарши кайфиятларига зарба бермаётирлар. Пахтани машина блан териш катта сиёсий аҳамиятга эга эканлиги колхозчилар оммасига тушунтирилмаётир. Поп район партия ва совет ташкилотларининг раҳбарлари пахтани машина блан теришга тайёргарлик кўришдаги бундай камчиликларга тезда хотима беришлари керак.

С. ОТАЖОНОВ.

## Қорасув район пахтакорлари ўз мажбуриятларини муваффақият блан бажарадилар

Қорасув районининг колхозчилари Бухоро пахтакорларининг Октябрь социалистик революциясининг 33 йиллик байрамигача пахта тайёрлаш планини бажариш юзасидан социалистик мусобақани қизитиш тўғрисидаги чақиригини якдиллик блан ма'қулладилар. Колхозчилар бухоролилар чақиригига жавобан, пахта йиғим-теримида социалистик мусобақани янада кучайтириб юбордилар.

Район 22 сентябрьгача йиллик пахта тайёрлаш планини 25,6 процент бажарди. Давлатга топширилган пахтанинг 40 проценти отбор, 60 проценти биринчи сортга қабул қилинди. Район бўйича ҳар куни давлатга 2—2,5 процент пахта топширилмоқда.

Колхозларда пахта йиғим-терими Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг Қарори асосида ҳартарафлама пухта тайёргарлик блан бошланди. Терим бошида 484 теримчи мавсумда 5 — 10 минг килограммдан пахта териш мажбуриятини олган эди. Теримчиларнинг бу ҳаракати барча колхозларда оммавий ҳаракатга айланиб кетди. Бу эса пахта тайёрлаш сур'атининг кундан-кун ошишига сабаб бўлмоқда. 5 — 10 мингчилар ҳаракати намунали ташкил этилган Максим Горький номли колхозда ҳар куни йиллик планнинг 3 — 3,5 проценти миқдорида пахта тайёрланаётир. Колхозда терим нормасини икки баравардан кам бажараётган битта ҳам колхозчи йўқ. Коммунистлар пахта теримида бошқаларга намуна бўлмоқдалар. Коммунист З. Пўлатова ва Ҳалима Алиматова ҳозиргача 3500—4000 килограммдан пахта тердилар.

Пахта йиғим-теримининг муваффақияти меҳнатни тўғри ташкил қилишга, терим даврида иш соатидан тўла фойдаланишга боғлиқ. Райондаги колхозларда бунга катта э'тибор берилмоқда. Деярлик ҳамма колхозда теримчилар эрталаб соат 6 — 7 ларда ишга тушиб, кечқурун соат 8 гача ишлайдилар. Дала теримчиларга барча шароит яратиб берилган. Бригада шийпонларида кўрсаткич тахталар ташкил этилган. Уларга теримчиларнинг ҳар кунги ишлари ёзиб борилмоқда.

Қорасув районидаги пахтакор колхозларда йиғим-терим сур'атини кучайтириш ва теримчиларнинг нормани янада ошикроқ бажаришлари юзасидан қўшимча тадбирлар белгиланаётир. Бу эса колхозларда терим сур'атини янада оширмоқда. Ворошилов номли колхознинг теримчилари шу кунларда тинчлик вахтасида туриб, ажойиб иш намуналарини кўрсатмоқдалар. Колхоздаги 306 теримчидан 111 киши кунига 200 килограммдан ошириб пахта термоқда. Бу колхозда пахта тайёрлаш иши блан боғлиқ бўлган бошқа колхозчилар ҳам, масалан, аравакаш ва хирмонда ишловчилар ҳам янги мажбуриятлар олдилар. Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти ҳар беш кунда илғор бригадага бериш учун кўчма қизил байроқ та'сис этди. Колхоз партия ташкилоти ҳар беш кунда социалистик мусобақа мажбуриятларининг бажарилишини текшириб бормоқда.

Райондаги ишчи, хизматчи, зиёлилар Октябрь байрамининг 33 йиллигигача пахта тайёрлаш планини тўла бажариш учун ўз оталикларидаги колхозларга ёрдам бериш юзасидан тегишли мажбуриятлар олмоқдалар. 2-нчи ва 3-нчи гуруч заводлари ва бошқа ташкилотларнинг коллективи ўтган дам олиш куни ўз оталикларидаги колхозларга чиқиб 50 тоннадан кўпроқ пахта териб бердилар.

Райоининг партия ва совет ташкилотлари пахта йиғим-теримини муваффақиятли ўтказиш учун барча тадбирларни кўради. Пахта тайёрлашда энг олдин бораётган колхозга бериш учун район партия комитети ва район ижроия комитети кўчма қизил байроқ та'сис этди. Район марказида кўрсаткич тахта ташкил этилган. Унда ҳар 10 кунда энг кўп пахта топширган колхоз кўрсатиб борилади. Райоининг партия, совет ташкилотлари бундан буён ҳар куни энг камида район бўйича йиллик планнинг 2,5 — 3 проценти миқдорида пахта тайёрланишини та'минлайди.

Қорасув районининг колхозчилари пахта тайёрлаш планини 1 ноябрьгача тўла бажариш ва ҳар гектар ердан 40 центнердан пахта ҳосили бериш мажбуриятини олдилар. Шу блан бирга, район колхозчилари октябрь ойи ичида давлатга қишлоқ хўжалик ва чорва маҳсулотлари топшириш юзасидан барча мажбуриятларини тўла адо этиш учун курашмоқдалар.

С. НИШОНБОЕВ.

Ўзбекистон К(б)П Қорасув район комитетининг секретари.

## Пахта тайёрлаш илғорларига машиналар

Пахта тайёрлаш планини муддатидан илгари Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 33 йиллигигача бажариш учун бошланган социалистик мусобақанинг Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитети томонидан тасдиқланган шартларига мувофиқ, 15 сентябрьдан 20 сентябрьгача бўлган даврда пахта териш ва тайёрлашда энг яхши натижаларга эришган колхозларга топшириш учун районларга Тошкентдан бирқанча юк автомашиналари жўнатилди.

Жумладан Бағдод, Олтинкўл, Шофрикон, Денов ва Янгийўл районларининг илғор колхозларига 5 тадан юк автомашинаси жўнатилди. (ЎзТАГ).

ФЕЛЬЕТОН

## Манфаатпараст

Шаҳар Советининг раиси врач Усмон Алимовнинг иш кабинети. Стол устида— 4 — 5 та телефон; мақтаса-мақташга арзирлик жиҳозлар... Раис қовоғини солиб, икки қўли блан бошини ушлаганича, ёзув столи устидаги ойнага тикилиб ўтиради.

Қабулхонада одам кўп. Секретарь қиз ҳаммани жеркиб:

— Қабул йўқ, раис банд! — дейди.

Қўлида ариза ушлаган ўрта ёшли киши секретарьнинг кўзини шамғалат қилиб, ўзини кабинетга урди. Раис эса бошини ердан кўтармай туриб, сўради.

— Хўш, нима ишингиз бор?

— Шуни бир кўрмасангиз, ишим битмайдиганга ўхшайди.

Раиснинг қовоғидан қор ёғиб, уҳ тортди.

— Шу ерда ҳам қўймайсизлар... Қани, ечининг!

— Мен касал эмасман, ўртоқ доктор, шикоят блан келдим.

— Шикоят бўлса, секретарьга топширинг, — деб ўрнидан турди раис ва стол устида тартибсиз ётган қоғозларни апир-тапир папкасига тиқди-да, эшикка қараб тез қадам ташлади.

Орадан бир соат ўтгач, шаҳар Советининг раиси оқ партуқ кийган ҳолда биринчи поликлиника залида кўринди.

У кирган кабинет эшиги тўпаланг. Бундан бир соат илгари шаҳар Советн раисининг олдига киролмаган кишилар ҳам шу ерда юриптилар. Ниҳоят, вақт-соати келиб, эшик очилди, доктор Алимов навбатдаги касални қабул қилди. «Бемор» эса ялинганеимон:

— Кечирасиз, доктор, мен касал эмасман, кўпдан бери шаҳар Советида қабулингизга киролмай, ўша эски арз блан шу ерга келдим.

Шаҳар Советининг раиси врач Алимов поликлиникадаги кабинетда ҳам яна қаттиқ уҳ тортди.

☆

— Усмон Алимов — ҳам шаҳар Советининг раиси, ҳам 1-нчи поликлиникада врач. Шу Усмон Алимовнинг ўзи — уйида хонаки доктор ҳам. Унинг яна бошқа икир-чикир ишлари кўп.

Шундай қараганда, у елиб-югиради. Унинг мажлислардаги нутқларига қараганда, Андижон шаҳридаги ҳамма ишни якка ўзи бошқараётган ва бажараётганга ўхшайди. Аслида эса, у шаҳар Советининг раиси сифатида ёлчитиб иш қилаётгани йўқ. У сайловчилар наказини аллақачон унутган. У, «ўзингни билўзгани қўй» қабилида иш тутади.

Шаҳар Советининг ўтган сессияларида шаҳарни обод ва кўркам қилиш юзасидан жуда кўп қарорлар чиқарилди. Лекин шаҳар Советининг ижроия комитети сессия қарорларини амалга ошириш юзасидан кўзга кўринарли ҳеч иш қилмади дейиш мумкин. Майда йўллар у ёқда турсин, марказий кўчалар ҳам доим чанг-тўзон. Йўлкалар, кўприклар бузуқ. Андижон аҳолиси ёзда чангдан, қишда лойдан безор.

Нима бўлдию, Андижон шаҳар Советининг раиси врач Алимов машина сотиб олди. Аммо бу машина раис яшайдиган пастқам кўчага киролмади. Шундан кейин раис шаҳар ташкилотларини оёққа турғизиб, ўз уйининг тагигача кўчани тузатдирди. Кўчанинг қолган қисми раиснинг машинаси юрмайдиганлиги учун, бузуқлигича қолаберди.

Лекин орадан бироз вақт ўтгач, бу кўчанинг тузатилмай қолган нариги бошига шаҳар Советининг раисига атаб ҳашаматли катта уй қурилабошлади. Шундан кейин андижонлилар киноя қилиб «Раискўча» деб атаган тор кўчанинг қолган қисми ҳам ҳашар-ҳушар блан тузатилди.

Алимов Андижон шаҳар Советида номигагина раис. Шаҳар Совети аппаратида иш юритиш, худди раис сингари ўзининг кимлигини унутган ховлиқма мас'ул секретарь Арютуновга ташлаб қўйилган. У эрталабдан кечгача кабинетини бекитиб, қабулхонасидаги секретарьга ҳеч кимни киргизмасликни буюради.

Шаҳар Советининг раиси Алимов ўз манфаатини кўзлайдиган киши эканлиги Андижонда ҳаммага аён бўлиб қолди. Раиснинг шундай бўлишига сабаб шуки, шаҳар Совети президиумининг а'золари фаолиятсизлик қилмоқдалар. Президиумда ўз-ўзини танқид йўқ. Доимий комиссияларнинг иши тўхтаб қолган.

Куз келди. Шаҳарда ободончилик юзасидан қилинадиган ишлар кўп. Меҳнаткашларнинг уйларини ремонт қилиш ишлари ўтган йилдагидек, бу йил ҳам ўлда-чўлда қолиш хавфи бор. Бу, Алимовни ташвишлантирмайди. Чунки у халқ олдида, ўз сайловчилари олдида эрта-индин ҳисоб беришини хаёлига ҳам келтирмай, ялла қилиб юрипти.

Андижон шаҳар советига шикоят блан келган ўртоқлар раис Алимовни кутиб вақтларини бекорга ўтказмасинлар, у киши поликлиникада ё бўлмаса ўз уйида касаллар қабул қилиш блан банд.

А. ҲАМДАМОВ.
Т. АБДУВАЛИЕВ.

## Мактаблар ҳақида ғамхўрлик кучайтирилсин

Чирчиқ, Бекобод, Тошкент шаҳарларининг жамоатчилиги бу йил мактабларни янги ўқув йилига намунали тайёрлаш юзасидан социалистик мажбуриятлар олиб, яхши натижаларга эришдилар. Натижада, бу шаҳарларда мактаблар янги ўқув йилига яхши тайёрланди. Тошкент областининг Янгийўл, Қорасув, Қуйичирчиқ ва бошқа районларидаги мактабларда ҳам янги ўқув йили кенг жамоатчиликнинг актив ёрдами туфайли муваффақиятли бошлаб юборилди.

Лекин ба'зи ерларда маҳаллий партия ва совет ташкилотлари мактаб ишига яқиндан ёрдам бермаётирлар, улар кенг жамоатчиликнинг мактабларга ёрдамини уюштирмаётирлар. Натижада, бундай ерларда мактаблар ишида жиддий нуқсонлар содир бўлмоқда. Ховос районидаги аҳвол бунга мисол бўлаолади.

Ховос районидаги 8-нчи бошланғич мактаб ўқиш бошланишидан икки кун илгари нобоп бинога кўчирилди. Бу бинода тахта пол йўқ, деразаларнинг ойналари синиб ётипти, печьлар ўрнатилмаган. 9-нчи мактаб биноси ҳам ўқиш ишларини олиб бориш учун ярамайди. Бу бинода ҳам печьлар бузилиб ётипти, қиш учун ёқилғи келтирилмаган.

Бу мактабларда 2-нчи «Боёвут» совхози ишчи ва хизматчиларининг болалари ўқийдилар. Уларнинг ота-оналари ҳам район халқ маориф бўлими (мудири ўртоқ Холназаров) ва посёлка совети (раиси ўртоқ Қорабеков) мактаб ишига э'тиборсизлик блан қараганликларидан ҳақли равишда шикоят қилмоқдалар.

Мактабларга яқиндан ёрдам бериш маҳаллий советларнинг бевосита ишидир. Лекин посёлка советининг раиси ўртоқ Қорабеков мактаб ҳаёти блан мутлақо қизиқмайди. У бу йил қанча бола мактабга тортилганлигини ва мактабларда ўқиш ишлари қандай бораётганлигини билмайди.

Посёлка советидаги фақат 9-нчи етти йиллик мактабнинг ўзидагина ўқишнинг дастлабки кунларида 74 бола машғулотга келмади.

Совхозга Қорақишлоқ районидан жуда кўп киши кўчиб келган. Уларнинг болалари 2-нчи мактабда ўқишлари керак. Лекин район маориф бўлими ва посёлка совети бу болаларни шу вақтга қадар ҳисобга олиб чиқмаган ва ўқишга тортмаган.

Посёлка советидаги мактаблар етарли моддий базага эга эмас. Чунончи, мактаблардаги кутубхоналарга китоблар ва кўрсатмали ўқиш қуроллари сотиб олиш учун маҳаллий бюджетдан пул ажратилиши керак эди. Ўқиш бошланиб кетганлигига қарамай, ўртоқ Қорабеков бу муҳим ишга парвосизлик блан қараб, ҳамон маблағ ажратмай келаётир.

Биз Посёлка советидаги 7 та мактаб бюджетининг ижросини текширдик. Бюджетдан ўқув қуроллари ва китоблар сотиб олиш учун ажратилган маблағдан фақат 15—20 проценти фойдаланилган. Ховос район матлубот союзи ҳукуматнинг мактабларни дарсликлар, дафтарлар ва ўқув қуроллари блан та'минлаш ҳақидаги кўрсатмасини бажармай келаётир.

Мактабларда ўқишни яхши йўлга қўйиш ўқувчиларни дарсликлар ва ўқув қуроллари блан тўла та'минлашга боғлиқ. Лекин райондаги мактабларда дарсликлар, карталар, глобуслар, грамматика жадваллари, қалам ва дафтарлар ҳам етишмайди. 1-нчи ва 2-нчи синфларнинг ўқувчилари керакли дафтарлар ва ҳатто перолар блан ҳам та'минланмагани учун, хатни чиройли ёзишга ўрганолмаётирлар.

Партия ва ҳукумат ўқитувчиларнинг моддий аҳволини яхшилаш ҳақида ҳардоим ғамхўрлик қилиб келмоқдалар. Қишлоқ ўқитувчиларига алоҳида енгилликлар берилган. Аммо Ховос районида ўқитувчилар ҳақида етарли ғамхўрлик қилинмаётир. Кўп ўқитувчилар уй-жой, ёқилғи ва ҳатто керосин блан та'минланмаган. Чунончи, 9-нчи мактабнинг 4 ўқитувчиси уй-жой блан та'минланмаганлиги орқасида, ҳар куни 10 километр йўл босишга мажбур бўлаётир. 10-нчи мактаб ўқитувчилари ҳам кунни йўл юриш блан ўтказмоқдалар.

Ховос район маориф бўлими мактабларнинг моддий базасини мустаҳкамлаш учун маҳаллий советлар блан биргаликда иш олиб бормаётир.

Район маориф бўлими ўқишнинг сифатига ҳам кам э'тибор бермоқда. Ўқиш бошланганидан бери икки ҳафтадан ортиқ вақт ўтди. Аммо райондаги 1, 2, 9, 10-нчи мактабларда дарслар плани тузиб чиқилмаган, мактаб директорлари ва илмий бўлим мудирлари ўзлари учун иш плани тузиб олмаганлар. Ўқитувчиларнинг дарсларга келиш графиги, шунингдек ота-оналар учун лекция ва докладлар тематик плани ишлаб чиқилмаган. Ҳарбир директор ва илмий бўлим мудири учун фақат 50 соатгача дарс бериш қонуний бўлгани ҳолда, кўп директорлар ва илмий бўлим мудирлари ўзлари учун ҳар ойда 100 — 120 соатдан дарс олганлар.

Бундай аҳволга ортиқ чидаш мумкин эмас. Район маориф бўлими маҳаллий советлар блан биргаликда иш олиб бориб, район мактабларида ўқиш-ўқитиш ишларида ва мактаблар учун моддий база яратишда кескин бурилиш ясаши керак.

Г. ПРИВЕС.

Ўзбекистон ССР Маориф министрлигининг мактаблар инспектори.

## Уруғлик участкаларда пахта теришга жиддий э'тибор берайлик

Республиканинг пахтакорлари бу йил чигитни эрта ва сифатли қилиб экканликлари, ғўза парваришини ўз муддатида ўтказганликлари натижасида ҳосил ўтган йилга нисбатан анча кўп бўлди ва илғари етишди.

Республикамиз пахтакорлари Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг «1950 йилги пахта ҳосилини териш ва тайёрлашни уюштириш тўғрисида»ги Қарори асосида даладаги мўл ҳосилни йиғиб-териб олиш юзасидан конкрет мажбуриятлар олдилар. Бу мажбурият фидокорона меҳнат қилиб етиштирилган мўл пахта ҳосилининг, айниқса уруғлик пахтанинг бирор граммини ҳам нобуд қилмасдан қисқа вақт ичида териб олиб давлатга топширишдан иборатдир.

Уруғлик пахта тўғри келган вақтда терилабермайди. Уруғлик пахтани колхоз томонидан белгиланган махсус колхоз уруғчиси томонидан кўргазма — инструктаж олган теримчиларгина терадилар.

Йиғим-терим вақтида энг яхши ўсиб ривожланган, серҳосил, биринчи совуқ тушгунга қадар соғлом ва нормал очилган, кўсаги кўп, гоммоз ёки вилт касалига учрамаган пахталар уруғлик учун танланиши керак. Терим вақтида соғлом ва танланган ғўзаларнинг пахтаси ёппасига уруғлик учун олинабермасдан, ғўзанинг асосий танасига яқин бўлган, серҳосил, яхши очилган пахталар терилади.

Уруғлик пахта икки марта терилади. Биринчи терим, ўрта ҳисоб блан, ҳарбир туп ғўзада 4—5 чаноқдаги пахта нормал етилиб очилганда, иккинчи терим ғўзанинг 8—9 ҳосил шохидаги биринчи кўсак очилган пайтда ўтказилади. Лекин бу терим 10 октябрьдан кечикмаслиги керак. Уруғлик участкани ҳар теримдан кейин қолган, уруғликка яроқсиз касал, совуқ та'сиридан очилган пахталар ёппасига терилиб, улар пахта пунктига топширилади.

Колхоз раҳбарлари, колхоз уруғчиси ва агрономлар теримчиларга уруғлик пахтани қандай қилиб теришни жуда пухта тушунтиришлари керак. Уруғлик чигитнинг яхши ёки ёмон бўлиши фақат теримчиларнинг қунт блан ишлашларига боғлиқ. Агар уруғлик пахта сифатсиз терилиб, сорти бузилса, уруғнинг — чигитнинг сифатига ёмон та'сир қилади. Ундай уруғликдан экилган пахтанинг ҳосили яхши бўлмайди. Уруғлик пахтани териш бирмунча кейинроқ ўтказиладиган иш бўлгани учун, уни териш нормаси техник пахтага қараганда 20 процент кам белгиланади. Бундан ташқари, отбор терилган уруғлик пахта учун теримчига 20 процент, биринчи сорт учун 10 процент қўшимча меҳнат куни тўланади.

Уруғлик участкадан терилган ҳамма уруғлик пахта колхоз уруғчиси томонидан текширилгандан кейин теримчилардан қабул қилиниши керак. Бордию, уруғлик пахта ичида касал теккан кўсакдан олинган, ёки тоза пишмаган пахталар аралашиб қолган бўлса, ундай пахталар уруғликка қабул қилинмасдан брак қилинади. Брак бўлган пахта тайёрлаш пунктига топширилади, уруғлик пахтани брак қилиб терган колхозчиларнинг меҳнат кунлари қирқилиши лозим.

Уруғлик пахталарни қабул қилиш, сақлаш ва қуритиш учун махсус хирмон жойи ажратилиши керак. Уруғлик пахта тўкиладиган хирмон жойида бошқа пахталарни қабул қилиш мумкин эмас.

Уруғлик пахталар терилган ҳамон қопларга бирданига тиқилмасдан, аввало хирмон жойида юпқа қилиб ёйиб яхшилаб қуритилади, сўнгра тайёрлаш пункти томонидан берилган уруғлик учун махсус янги қопларга қопланиб, оғзи тикилади. Қопларнинг устига катта ҳарф блан колхознинг номи, пахтанинг миқдори ва «алоҳида терим» деб ёзилиши лозим. Бундан ташқари, пахтанинг тури, сорти (отбор, биринчи) деб ва апробация акти бўйича дала группаси аниқ кўрсатиб ёзилган этикетка қоп ичига солинади, иккинчи этикетка эса, қоп устига ёпиштирилади. Бу қоплар пахта заводида тозаланишига қадар ма'лум бир жойда қаттиқ контроль остида сақланади.

Уруғлик пахтани қопдан иккинчи бошқа бир қопга жойлаш, қопсиз уйиб сақлаш ва қопсиз ташиш мумкин эмас.

Уруғлик пахтани тайёрлаш пунктларига ва пахта заводларига пеш терилганини пеш юборавермасдан, уни камида 30 тонна миқдорида жамлаб туриб кейин топширилади. Тайёрлаш пункти ва пахта заводларида ҳар колхознинг уруғлик пахтаси алоҳида-алоҳида жойлаб сақланиши шарт. Агар тайёрлаш пунктида уруғлик пахтани сақлаш учун бино етишмаса, ундай вақтда уруғлик пахтани бино блан яхши та'минланган колхозларнинг ўзида сақлаш мумкин.

Уруғлик пахта ёки чигитни сақлаш учун ҳарбир колхозда ҳаво кирадиган, чакка ўтмайдиган, ёриғроқ, қуруқ ва қулфланадиган махсус бинолар ажратилиши керак. Уруғлик пахта турадиган бинолар уруғлик солиш олдидан албатта дизенфекция қилинади. Дизенфекция қилинмаган биноларда сақланган уруғлар экишга яроқсиз бўлиб қолиши мумкин.

Ўтган йили уруғлик пахтани териш ва тайёрлашда уруғчилик хўжалигини бузишга сабаб бўладиган ҳаракатлар рўй берди. Масалан, 1949 йил 12 октябрьда Фарғона область, Қува район Октябрь қишлоқ советидаги «Янги ҳаёт» колхозининг 4-нчи бригадасидан пахта заводига юборилган 810 килограмм отбор ва биринчи сорт уруғлик пахта текширишда яроқсиз бўлиб чиқди. Қопларни бирма-бир текшириб қаралганда ҳарбир қопнинг ўртасида касалланган, хом, 3—4-нчи сорт пахталар учради.

Бу йил ана шундай ҳолларга қарши кескин курашиш, уруғлик пахтанинг сортини бузишда айбдор бўлган кишиларни жавобгарликка тортиш лозим. Колхоз раҳбарлари, айниқса агрономлар уруғлик участкаларда пахта териш устидан назорат қилишлари керак.

Уруғлик пахтани юқори сифатли қилиб териш пахтачиликнинг ривожланишида энг муҳим омиллардан биридир. Уруғчилик участкаларида пахта теримини намунали ўтказиб, колхоз ва совхозларимизни 1951 йил учун юқори сифатли уруғ блан та'минлайлик.

М. ҒОЙИБНАЗАРОВ

Қишлоқ хўжалик фанлари кандидати.

## МАДАНИЯТ ХРОНИКАСИ

### ФАРҒОНА

Давлат педагогика ва ўқитувчилар институтида ҳаваскор шоир ва ёзувчилар сони тобора ўсмоқда. Улар адабий тўгаракда машқ қилмоқдалар. Тил ва адабиёт факультети III курсининг студенти Ҳамид Нуриддинов тўгаракка раҳбарлик қилмоқда. Тўгаракнинг биринчи машғулотида адабиёт кафедрасининг мудири ўртоқ М. Юнусов «Адабий ижодий ишни юксалтирайлик» деган темада доклад қилди.

Ж. Тошпўлатов.

### АНДИЖОН

Олтинкўл районидаги мактабларнинг ўқитувчилари ва ўқувчилари пахта йиғим-терими қизиб кетган ҳозирги кунларда колхозчиларга актив ёрдам бермоқдалар. Толмозор қишлоқ советидаги 12-нчи, Кўмакай қишлоқ советидаги 4-нчи, Сарой қишлоқ советидаги 8-нчи, Охунбобоев қишлоқ советидаги 6-нчи мактабларнинг коллективлари Калинин номли, «Коминтерн», «Юқори ҳосил учун» колхозларида агитация ишлари олиб бормоқдалар ҳамда пахта термоқдалар.

О. Сатторов.

### ХОРАЗМ

Хива шаҳар соғлиқни сақлаш бўлими пахта йиғим-терими даврида колхозчиларга медицина хизмати кўрсатиш мақсадида, Чиқирчи, Пиринахос, Коммуна қишлоқ советларида медицина пунктлари ташкил этди. Пунктлар врачлар блан та'мин этилди.

☆

Хива шаҳар маданий-оқартув бўлими кутубхонасининг китоб фонди тобора ортиб бормоқда. Яқинда кутубхона учун турли соҳага оид янги китоблар сотиб олинди.

А. Бобожонов.

# Қуриядаги агрессия тайёргарлигини фош қилучи ҳужжатлар

ПХЕНЬЯН, 19 сентябрь. (ТАСС). «Нодон Синмун» газетаси Жанубий Қурия қўғирчоқ ҳукуматининг архивида топилган ҳужжатларни э'лон қилабошлади. Бу ҳужжатлар Жанубий Қурия қўғирчоқ ҳукуматининг Америка Қўшма Штатларидаги ҳукмрон доираларнинг актив ёрдами блан Қурия халқ-демократик республикасига қуролли ҳужум тайёрлаганлигини фош қилиб ташлайди. «Нодон Синмун» газетасининг 19 сентябрь сонида лисинманчиларнинг ташқи сиёсат масалалари юзасидан маслаҳатчиси Пэн Ку Еннинг 1948 йил 3 декабрьда Ли Син Манга ёзган қуйидаги хатини э'лон қилди:

Қурия республикасининг президенти Син Ман Рига (Ли Син Манга. — **Редакция**), президент маҳкамаси, Кенг Му Де, Сеул, Қурия.

Қадрдон президент, мен сизнинг радиограммангизни бугун эрта блан олдим ва сизга ҳамда мамлакатимга хизмат қилаолишим учун менинг боришимни эрта баҳоргача кечиктириб, яраларимни даволаш учун фурсат берганлигингиз сабабли ушбу хатимда сизга ташаккур билдираман.

Мен халқаро ишларга доир масалалар ва Қурия ҳамда Хитойга таҳдид қилаётган коммунизм хавфига қарши курашиш масаласида илгари ёзганларимни такрорлайман, я'ни таваккал қилиш керак, дун'ёнинг бевосита хавф остида қолган ҳарбир райони каби Шарқий Осиё ҳам қаршилик кўрсатмай коммунистларга бўйсуниши ёки ўз ҳаёти учун курашга тайёрланиши лозим. Америка, Қурия, Япония ва Хитойдаги соф виждонли ҳарбир ватанпарвар бу курашга тайёрланиш учун ўзини ва ўз меҳнатини қурбон қилиши керак. Аммо келгусидаги курашни ғалаба қилгунча давом эттириш учун мудофаа кучлари—Америка, Япония, Хитой ва Қурия армиялари ўз ҳаракатларини мувофиқлаштириб олиб боришлари керак ва олий бош қўмондонлик уларни уч томонга бошлаб бориши керак, я'ни японлар шарқи-шимолий бурундан силжиб боришлари ва Владивосток орқали ўтишлари керак; шимолий территориямиз озод қилинганидан кейин қурия ва америка армиялари Ляодун ярим ороли орқали ўтиб, Харбингача боришлари керак; янгидан тикланган хитой миллатчилар армияси Хитойнинг қўлидан кетган территорияни ва шу жумладан Ляодун вилоятини қўлга киргизиши керак. Уруш ғолибона тамомланганидан кейин қурия ва америка армиялари Маньчжурияни оккупация қилиб туришлари керак. Улар озод қилиш учун сарфланган маблағлар Маньчжурия, Қурия ва Американинг бирлаштирилган капиталлари ва ишчи кучлари ёрдами блан Шарқий Осиёнинг бу қисмидаги миллий бойликларни кўпайтириб тўла ундириб олингунча ва бу ерларда демократия ҳамда тинчлик тўла барпо қилингунча Маньчжурияни оккупация қилиб туришлари керак. Узоқ Шарқда ислоҳотлар амалга ошириладиган шундан кейинги даврда Японияга Владивосток ҳамда Сибирьнинг бир қисми берилиб, ва Япониянинг катта та'сир кўрсатиши та'минланиши лозим. Аммо Қурия ёки Маньчжурия ерлари Японияга асло берилмаслиги керак. Бунга сабаб шуки, Япониянинг яна империалист миллат бўлиб олишига йўл қўйилар экан, унинг қасос олиш руҳи кучаяди ва японларни беҳад руҳлантириб юборади, япония таслим бўлишнинг ҳақоратли шартларидан қутилишга уриниб кўради ва... дун'ёни яна ўзига бўйсундиришга ҳаракат қилади. Ана шу хавфнинг юз беришига йўл қўймайдиган бирдан-бир усул шундан иборатки, Қурияни ва Хитойни Япония каби кучли мамлакатларга айлантириш лозим, токи улар бир-бирларини тийиб турадиган ва бир-бирларига халақит берадиган бўлсинлар ва Россия ҳужум қилган тақдирда бу уч мамлакат Америка блан ҳамкорлик қилиб, бирлашган кучни вужудга келтираолсинлар. Сиз. Осиёнинг келгусидаги тақдири тўғрисида мен бу ерда баён қилгандан кўра, шубҳасиз, яхшироқ план тузгансиз. Аммо мен планларимиз фош қилинган ёки бошқалар томонидан қўлга туширилган тақдирда 30 миллионли қуриялининг олий раҳбари бўлган сизни эмас, балки ўзимни душманлар та'наси ва кулгисига дучор бўладиган шахс қилиб кўрсатиш учун шу фикримни яна тўла-тўкис баён қилмоқдаман. Сизга ҳурмат блан Пэн Ку Ен.

Газета Жанубий Қурия «президенти» Ли Син Маннинг 1949 йил 10 апрельда Америка Қўшма Штатларидаги махсус вакили Чо Бион Окка ёзган қуйидаги хатининг текстини ҳам босиб чиқарди ва бу хатнинг фото-суратини э'лон қилди:

«Қадрдон доктор Чо! Менинг фикримча, ҳарбий ёрдам сўраб очиқ мурожаат қилиш мақсадга мувофиқ эканлиги тўғрисидаги радиограммангиз ўз вақтида юборилган. Аммо мен бу соҳада ошкора ҳаракат қилишни истамайман, чунки бу ҳол Муччо (Америка Қўшма Штатларининг Жанубий Қуриядаги элчиси. — **Редакция**) томонидан яширин суратда кўрилаётган ба'зи тадбирларга зарар етказиши мумкин деб қўрқаман. Мавжуд ма'лумотларга қараганда, Муччо Драмрайт жаноблари (лисинманчилар қўғирчоқ ҳукумати ҳузуридаги америка маслаҳатчиси. — **Редакция**) блан биргаликда менинг ҳузуримга келганида бирқанча пора олган. Мен, ишлар қалай, деб бамайлихотир ундан сўрадим. У менга «Ҳарбий ёрдам берилди ва президент тегишли ҳужжатга қўл қўйди» деб хабар қилди. Мен унинг президентнинг ҳарбий ёрдам тўғрисидаги қонун лойиҳасини имзолаганлигини ёки иқтисодий ёрдам тўғрисидаги битимни кўзда тутганлигини билмайман.

Сўнгра у бундан кейин ҳарбий ёрдам бериш тўғрисида очиқ мурожаат қилиниши бу планга зарар етказиши мумкин эканлигини айтди. Сиз блан мен қилмоқчи бўлаётган ишларимиз бизларнинг бошқалар ўйлаётганларидек тамомила тентак кишилар эмаслигимизга дун'ёни ишонтиришдан иборатдир. Яхши уюшган бошқа ҳарқандай миллат каби бизлар ҳам ўз ишларимизни яхши уддалай олишимизни кўрсатишимиз керак. Худди шу йўлда пропаганда юргизиш жуда муҳимдир.

Америкалилар бизни яхшироқ билиб олабошладилар ва улар кучларимизга, имкониятларимизга кун сайин юксакроқ баҳо бермоқдалар. Аммо Америка Қўшма Штатларидаги ба'зи етакчи газеталарнинг ёрдамига амин бўлмас эканмиз, бу ҳолда қурол ва ярог-аслаҳа сўроб очиқ мурожаат қилиш жуда таҳликали бўлур эди. Шу сабабдан мен миссиянгизнинг яширинча иш кўришини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайман.

Айни замонда мен шу масала юзасидан ўз мулоҳазаларимизни тегишли ма'мурларга қўрқмасдан баён қилишимиз нима учун кераклигини сизга тушунтириб бермоқчи бўламан. Буюк давлатларнинг ўзлари томонидан ўзимиз учун яратиб берилган шароитлар натижасида биз қуролларга, ҳарбий анжомларга эҳтимол бошқа ҳарқандай мамлакатдан кўра кўпроқ муҳтожмиз. Айни замонда Қўшма Штатлар учун бошқа ҳарқандай халқни қуроллантиргандан кўра бизларни яхшироқ қуроллантириш мувофиқроқдир. Америка Қўшма Штатларининг бизга нисбатан олган мажбуриятларини э'тиборга олганда, бошқа ҳарқандай миллатдан кўра биз ярог-аслаҳа талаб этиш учун кўпроқ ҳуқуққа эгамиз.

Биз яқинда бўладиган воқиаларни олдиндан кўраётганлигимизни ҳужжат сифатида қайд қилиш ва исбот этиш учун тўла имкониятга эгамиз. Биз ўтмишдаги хатоларни такрорлашга қарши огоҳлантирамиз. Америкали дўстларимиз буни тушунишлари ёки тушунмасликларидан қат'ий назар, бизнинг вазифамиз уларни огоҳлантиришдан ва улардан сўрашдан иборат.

Менинг фикримча, сиз бу ҳолатни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва Америка Қўшма Штатларидаги юқори мартабали расмий шахслар блан жуда махфий суратда муҳокама қилишингиз керак. Шимол блан жанубни бирлаштириш планларимиз тўғрисида уларни жуда махфий суратда хабардор қилингиз. Биз ҳозирги пайтда бирлашиш учун барча соҳаларда тайёргарлик кўриб қўйганмиз. Аммо бир нарса бундан мустаснодир: бизнинг қуролларимиз ва ҳарбий анжомларимиз етишмайди.

Шимолда коммунистларни ҳайдаб юбориш соҳасида граждан аҳоли бизга қўшилади. Бизнинг маслакдошларимиз буни биздан ёрдам олмай ҳам бажаришга тамомила тайёрдирлар. Улар радио орқали ёки бошқа махфий йўллар блан сигнал беришни ва бу ишни бажариш учун кун ҳам соатини белгилаб беришни биздан сўрайдилар. Улар ҳақиқатда биздан шу ишларни бажаришни талаб этмоқдалар. Аммо биз етарли миқдорда ярог-аслаҳа ва ўқ-дориларга эга бўлмаганлигимиз сабабли уларнинг фурсат кутиб туришларини талаб этамиз.

Биз шимолга силжиб бориш, у ерларда бизга содиқ бўлган армия блан бирлашиш ва темир қалқонни 38-нчи параллельдан Ялуцзян дар'ёсига суришимиз ва унда чегарани қўриқлашимиз учун етарли миқдорда қуролли кучларга эга бўлишимиз керак. Бу операцияни ўтказиш учун бизга ҳарбири 8 минг тонна ҳажмида бўлган ва Ялуцзян ҳамда Туминь дар'ёларини ҳимоя қилиш учун оғир тўплар ўрнатилган иккита ҳарбий-денгиз кемаси керак. Коммунистларнинг яширин ҳаракатига қарши қирғоқларни қўриқлаш учун бизга тез қатнайдиган соқчи кемалар зарур. Бизга шимолий чегарани ҳимоя қилиш учун уюшган ва яхши та'лим олган 200 минг солдат керак. Бизга аэропланлар ва зенит тўплар зарур. Буларнинг ҳаммаси бизга ҳозирданоқ керак.

Ба'зи америкалилар техника жиҳатдан тайёрланган кишилар камлиги тўғрисида ташвишланмоқдалар. Аммо улар бизда 10 ёки 12 учучи борлиги ва булар Япониянинг энг яхши учучилари бўлганлигини билмайдилар. Буларнинг учтаси бутун Узоқ Шарқда энг яхши учучилар деб ҳисобланар эди. Биз савдо кемаларимизни бошқариб борадиган капитанларга эгамиз. Биз ўз армиямиз учун қисқа вақт ичида 200 минг киши тўплайоламиз. Биз бирнеча юзминг эски солдатларга эгамиз. Булар уруш вақтида армия сафига чақирилган эдилар. Улар уруш ветеранларидир. Японлар уларни олдинги позицияларда сақладилар ва уларнинг ўртоқларидан кўпи Тинч океандаги оролларда ва Маньчжуриядаги жанглар вақтида ҳалок бўлди. Офицерларнинг кўпчилиги Япониядаги ўқув юртларида та'лим олди. Халқ уларни яхши билмайди, чунки улар ўзларини японларга тарафдор унсурлар деб аташларидан қўрқиб, ўзларини жуда камтар тутадилар. Улар содиқ граждандардир ва мамлакат учун жонларини қурбон қилишга тайёрдирлар. Агар биз етарли миқдорда ярог-аслаҳа олсак, уларни жуда қисқа вақт ичида тайёрлай оламиз.

Юқорида баён қилинганларнинг ҳаммаси бир-биримизга ёзган хатларимизни жуда сир сақлашни нима учун истаганлигимни сизга кўрсатиб беради, шунингдек Америка Қўшма Штатлари ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг расмий кишилари блан олиб борадиган музокараларингизда ўзингиз яхши натижа беради деб топганингизча ҳаракат қилишингизни таклиф этаман.

Бизнинг талабимиз катта. Агар бу талаблар э'тиборга олинмаса, Қурия учун ҳам, Америка Қўшма Штатлари учун ҳам ҳалокатли натижалар юз бериши мумкин. Уруш вақтида йўл қўйилган хато, я'ни қуриялиларга ярог-аслаҳа беришдан бош тортишдан иборат бўлган хато такрорланмаслиги керак. Мен юқори мартабали расмий кишиларнинг сизга қандай муносабатда бўлганликлари тўғрисида яширин доклад юборишингизни кутаман ва бизлар ҳам бу ерда туриб сизга қўлдан келган ҳамма воситаларни ишлатиб, ёрдам беришга ҳаракат қиламиз.

Сизга ҳурмат блан Ли Син Ман.

Доктор Чо Бион Окка. Вашингтон».

Газета бу хатнинг инглиз тилида ёзилган сўнгги қисмининг фото-суратини э'лон қилди.

Газета Ли Син Маннинг Америка Қўшма Штатларидаги махсус вакили Чо Бион Ок томонидан 1949 йил 12 октябрьда Ли Син Манга юборилган хатни ҳам э'лон қилди. Қуйида хатнинг тексти босилади:

Қадрдон президент жаноблари! Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Лейк-Саксессда давом этаётган Бош Ассамблеясида Греция масаласи, Италия мустамлакалари масаласи, инсон ҳуқуқлари ва дин эркинлиги, Хитой масаласи, атом қувватини назорат қилиш масаласи каби муҳим масалалар юзасидан қизғин мунозара бормоқда.

Қурия масаласи юзасидан махсус сиёсий комитетда қабул қилинган резолюция Бош Ассамблеяда, шубҳасиз, овозларнинг кўпчилиги блан қабул этилади.

Сизнинг Шимолий Қуриядаги қўғирчоқ идора усулини бекор қилиш масаласи юзасидан ёки аниқроғи бу идора усулини тугатиш масаласи юзасидан доктор Оливерга (Америка Қўшма Штатларида лисинманчиларнинг махфий топшириқларини бажариб турган америка профессори — **Редакция**) ёзган хатингизни зўр э'тибор ва мароқ блан ўқиб чиқдим. Сиз бу мактубда баён қилган таклиф ҳозирги шароитда ўзимиз истаган бирлашишни амалга оширишнинг бирдан-бир тўғри ва актуал йўлидир. Аммо мен бутун омилларни э'тиборга олиб, бундай лойиҳани амалга ошириш учун қулай фурсат ҳали келган эмас деб ўйлайман. Даставвал мен тайёргарлигимиз кифоя эмас деб ўйлайман ва жаҳон афкор оммаси бизнинг бундай ҳаракатларимизни, фикримча, ма'қулламаса керак. Шуни эслатиб ўтиш керакки, дўст давлатлар Греция ҳукуматини Албанияга қарши уруш очмасликка кўндирдилар. Ҳозирги шароитда Оливернинг ана шу мураккаб масала юзасидан қай тарзда ва қандай ишлар қилаолишини билмайман. Оливернинг бу тўғрида матбуотда ҳукуматимизнинг мустаҳкам сиёсати деб ёзаолмаслигига ишонаман. Шу блан бирга, шундай махфий масала юзасидан очиқ гапириш унинг учун мақбул бир иш бўлади деб ўйламайман.

Мен бу масалани элчи Тян (Тян Мен — Жанубий Қуриянинг Америка Қўшма Штатларидаги «элчиси» — **Редакция** эскартиши) ва доктор Оливер блан муҳокама қилдим. Бизлар бу планни ҳукуматимизнинг асосий плани деб қараш керак ва бу план биз тайёрланиб бўлган ва қулай пайт келган чоқда амалга оширилиши лозим деб якдиллик блан хулоса чиқардик.

Қадрдон президент жаноблари, ўз фикрларимни бу қадар очиқ изҳор қилганлигим учун кечиргайсиз. Аммо мен сизга садоқат блан хизмат қилмоқ учун ошкора гапиришни ўз бурчим деб ҳисоблаганлигимни сизга айтишни истардим.

Сизга садоқат ва самимий ҳурматимни изҳор қиламан. Чо Бион Ок, мухтор элчи, Қурия республикаси президентининг вакили ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотидаги доимий кузатучи.

# Франция коммунистлар партияси Сиёсий Бюросининг резолюцияси

ПАРИЖ, 22 сентябрь. (ТАСС). 21 сентябрьда Морис Торез раислигида Франция коммунистлар партияси Сиёсий Бюросининг мажлиси бўлди.

Мажлисда қабул қилинган резолюцияда бундай дейилади:

Сиёсий Бюро барча тинчлик тарафдорларининг хоҳишини изҳор қилиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг мажлисида Вишинский таклиф этган тинчлик программасини табриклайди. Америка империалистларининг вакили Ачесон эса Бирлашган Миллатлар Ташкилотини вашингтонли ҳукмдорларнинг агрессив сиёсати қуролига айлантиришни кўзда тутган таклифларни киргизди.

Вишинский Совет Иттифоқи номидан барча тинчлик тарафдорлари астойдил қўллаб-қувватлайдиган таклифларни киргизди; у Бирлашган Миллатларга яна: 1) уруш пропагандасини тақиқлашни, 2) атом қуролини қонундан ташқари деб э'лон қилишни, 3) 5 буюк давлат (СССР, Хитой, Америка Қўшма Штатлари, Буюк Британия, Франция) ўртасида тинчлик аҳди тузишни ва 1950 йил мобайнида қуролли кучларни учдан бир қисми миқдорида камайтиришни таклиф этди.

Совет Иттифоқи тинчликка астойдил интилаётганлигини намойиш қилмоқда.

Сиёсий Бюро партия активларини бу тинчлик программаси блан аҳолини ҳартарафлама таништиришга ва америка империалистлари ҳамда уларнинг агентлари уруш оловини ёқучилар эканлигини та'кидлайдиган фактларни тинмай тушунтиришга чақиради. Америка империалистларининг ва уларнинг агентларининг жиноий планлари барбод қилиниши керак.

Сиёсий Бюро та'кидлайдики, ҳарбий хизмат муддатининг 18 ойгача узайтирилишига ва ҳарбий хизматдан бўшатилиши лозим бўлган кишиларнинг хизмат муддати узайтирилишига қарши умумхалқ ҳаракати ҳамма жойда кучаймоқда. Сиёсий Бюро ҳаракат комитетларининг катта аҳамиятга эга эканлигини уқдириб ўтади. Ҳаракат комитетлари ҳарбий хизмат муддатининг узайтирилишига қарши (чунки бу — янги урушдан дарак беради) намойишлар ташкил қилмоқдалар ва миллат мажлиси депутатларига делегациялар юбориб, улардан парламент ўз ишини бошлаши блан ҳарбий хизмат муддатининг 18 ойгача узайтирилишига қарши, 1949 йилда ҳарбий хизматга чақирилган кишиларнинг дарҳол ҳарбий хизматдан бўшатилишини ёқлаб овоз беришларини талаб қилмоқдалар. Сиёсий Бюро ишонч билдириб айтадики, 24 сентябрьда Буффало стадионида чақириладиган митинг ҳарбий хизмат муддатининг узайтирилишига қарши, тинчлик учун бутун мамлакатда жуда кўп оммавий намойишлар ўтказилишига сабаб бўлади.

Сиёсий Бюро француз ҳукмдорларининг жиноий сиёсатини фош қилади. Бу ҳукмдорлар америка империалистларининг қурия халқига қарши бошлаган қабиҳ агрессиясида қатнашмоқдалар. Вьетнамда мустамлакачилик урушини давом эттирмоқдалар. Улар Ғарбий Германияни қайтадан қуроллантиришга розилик бердилар. Америка Қўшма Штатлари советларга қарши агрессив уруш тайёрлаш мақсадида Ғарбий Германияни қайтадан қуроллантиришга интилмоқда. Шундай қилиб, Франциянинг манфаатлари империалистлар манфаатлари учун қурбон қилинмоқда. Империалистлар Ғарбий Германиядаги нацистларни қуроллантириб, уруш чиқаришга зўр бериб уринмоқдалар.

Сиёсий Бюро коммунистларни тинчликни истаётган ҳамма софдил эркак ва хотин-қизлар блан биргалашиб ҳаракат қилишга чақиради, шу мақсадда:

1) бутун аҳоли Прага резолюцияси блан таништирилсин (бу ерда Тинчлик тарафдорлари жаҳон конгресси Доимий Комитети бюросининг 16—18 августда Прагада чақирилган сессиясида қабул қилинган резолюция кўзда тутилади.— **Редакция**);

2) корхоналарда, маҳаллаларда ва қишлоқларда тинчлик комитетлари тузилсин ва уларнинг ишига ёрдам берилсин, шу блан кенг халқ оммасини бирлаштиришга эришилсин;

3) департамент конференцияларига вакиллар сайлансин, бу конференциялар Тинчлик тарафдорларининг иккинчи жаҳон конгресси олдидан ўтказилади;

4) атом бомбасини тақиқлаш тўғрисидаги Стокгольм Мурожаатига имзо тўплаш кампанияси кучайтирилсин.

Сиёсий Бюро аҳволнинг тез ёмонлашиб бораётганлигига активларнинг э'тиборини жалб қилади, бу ҳол эса ҳарбир кишидан ўз фаолиятини оширишни ва ўз мас'улиятини чинакам тушуниб олишини талаб этади.

Биз оммавий бирлик байроғи остида тинчлик учун курашимизни кучайтирсак, мамлакатимизнинг янги уруш кулфатларига дучор қилинишига халақит бераоламиз.

Сиёсий Бюро меҳнаткашларнинг талабларини ҳимоя қилиш учун бирлашган ҳаракат комитетлари тузилишини табриклайди. Нарх-навонинг ошабориши иш ҳақини оширишни қаттиқ талаб этади. Ҳукумат эса иш ҳақини оширишга қарши чиқмоқда. Лекин ҳукумат шу блан бирга уруш тайёрлашга борган сари кўп маблағ сарфламоқда. Меҳнаткашларнинг ҳозиргача эришган муваффақиятлари уларни иш ҳақини ошириш учун курашни кучайтиришга илҳомлантиради. Сиёсий Бюро миллат мажлисида кўпчиликни ташкил қилган партияларнинг депутатлари тутган ва ишчиларга қарши қаратилган сиёсатни фош қилади. Бу депутатлар молия комиссиясида коммунистларнинг солиқ солинмайдиган минимум даромад миқдорини 120 минг франкдан 240 минг франкгача оширишга қаратилган тузатишини рад этдилар.

Сиёсий Бюро Француз хотин-қизлари союзининг 30 сентябрьда ҳамма ерда қашшоқлик ва урушга қарши кураш куни ташкил қилиш тўғрисидаги ташаббусининг муҳимлигини уқдириб ўтади. Сиёсий Бюро коммунист хотин-қизларнинг бу кунни муваффақиятли ўтказиш учун ва Тинчлик тарафдорларининг иккинчи жаҳон конгрессига тайёрланишга катта ёрдам бериш учун сафарбар қилинаётганликларидан ва бу кунга тайёргарлик кўриш ишларида актив қатнашаётганликларидан мамнун эканлигини билдиради.

## ҚАМОҚДАГИ ГРЕК ДЕМОКРАТЛАРИНИНГ БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИГА МУРОЖААТИ

АФИНА, 22 сентябрь. (ТАСС). «Демократикос» газетаси Агиос-Эвстратис қамоқ лагеридаги маҳбусларнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси Раисига ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти а'зоси бўлган давлатларга, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бош секретарига, шунингдек Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг инсон ҳуқуқлари масаласи блан шуғулланучи комиссияси раисига ва а'золарига ёзган мурожаатини э'лон қилди.

Мурожаатда айтилишича, мазкур қамоқ лагерида ҳечқандай суд ҳукмисиз қамаб қўйилган 2.840 маҳбус бор. Уларнинг кўпчилиги 3—4 йилдан буён шу лагерьда қамоқда ётибди. Маҳбуслар ёзда жазирама иссиқдан, қишда ёмғир ва совуқдан сақлайолмайдиган чодирларда яшамоқдалар. Уларнинг ҳаммаси бутун маданий инсониятни дарғазаб қилган Макронисос азобларини бошларидан кечирган.

Биз кўпгина ўртоқларимиздан жудо бўлдик, — дейилади сўнгра мурожаатда. — Улар калтак зарбидан ёки очликдан дармонсизланиб ўлдилар. Бирнеча юз киши қийноқ ва азобларга бардош бераолмай ақлдан оздилар. Қолган маҳбусларнинг соғлиғи жуда ёмон аҳволда. Кўпчилиги сил ва ме'да касалига мубтало бўлганлар. Ҳамма маҳбусларга ўлим хавфи таҳдид қилмоқда. Макронисосдан бошқа оролга кўчирилган 600 аёлнинг аҳволи ҳам шундай оғирдир.

## ИНГЛИЗ-АМЕРИКА ИМПЕРИАЛИСТЛАРИНИНГ ОСИЁДАГИ АГРЕССИВ ПЛАНЛАРИ

ЛОНДОН, 22 сентябрь. (ТАСС). 25 сентябрьда Лондонда Британия империяси мамлакатлари вакилларининг кенгаши очилади. Кенгашда Британия империяси мамлакатларининг Жанубий ва Шарқи-Жанубий Осиё мамлакатларига «иқтисодий ёрдам бериш» плани муҳокама қилинади.

Шу муносабат блан 19 сентябрьда дастлабки ғайри расмий музокаралар бошланди.

Бу музокаралар тўғрисида матбуот учун чиқарилган ахборотда айтилишича, музокаралар «ҳозирги халқаро аҳвол муносабати блан юз бераётган иқтисодий қийинчиликларни бартараф қилишда» Британия империяси мамлакатларининг бир-бирларига ёрдам беришларини уюштиришни мақсад қилиб қўяр эмиш. Броқ бу музокараларнинг ва 25 сентябрьда ўтказиладиган кенгашнинг Жанубий ва Шарқи-Жанубий Осиё мамлакатларини инглиз-америка империалистлари исканжаси остига олиш учун замин тайёрлашни мақсад қилиб қўйганлиги равшандир.

Британия империяси мамлакатлари ташқи ишлар министрларининг январь ойида Коломбода бўлиб ўтган конференциясида Шарқи-Жанубий Осиёга «ёрдам бериш» плани қабул қилинган вақтдан буён бу планни амалга ошириш ишларига раҳбарлик қилиш Қўшма Штатлар қўлига ўтиши аён бўлиб қолди. Шу йил май ойида Сиднейда «Миллатлар ҳамкорлиги мамлакатлари маслаҳат комитети» (я'ни Британия империяси мамлакатлари — **Редакция**)нинг кенгаши бўлди. Бу ташкилот мазкур планни амалга ошириш учун тузилган. Ана шу кенгашда бу ташкилотга Британия империясига кирмаган мамлакатларни жалб қилиш эҳтимоли кўзда тутилган эди, бунда даставвал Қўшма Штатлар назарда тутилган эди.

«Ивнинг ньюс» газетасининг обзорчиси инглиз-америкалиларнинг Осиёда олиб бораётган сиёсатининг бошқа томонига ҳам э'тиборни жалб қилмоқда. Газетанинг ёзишича, Британия империяси мамлакатларининг вакиллари Шарқи-Жанубий Осиёга иқтисодий «ёрдам» бериш блан боғлиқ масалаларни муҳокама қилиш учун 25 сентябрьгача махсус комитет тузадилар. Газеталарнинг ёзишидан ма'лум бўлишича, бу комитет Осиёда «коммунизмга қарши кураш»га асосий э'тибор беради.

# Нью-Йорк штатининг губернатори Дьюининг сурбетларча қилган хуружи

НЬЮ-ЙОРК, 22 сентябрь. (ТАСС). 21 сентябрьда Нью-Йорк шаҳрининг ма'мурлари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси сессиясининг вакиллари шарафига «Вальдорф Астория» мусофирхонасида зиёфат бердилар. Бу зиёфатда Нью-Йорк штатининг губернатори Дьюи, я'ни Бош Ассамблея сессияси ўтказилаётган мамлакатнинг вакили одамларни мисли кўрилмаган даражада ғазаблантирадиган қўпол муомалада бўлди.

Дьюи Нью-Йорк штатининг губернатори сифатида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг зиёфатга чақирилган делегацияларини нутқ сўзлаб табриклайди деб кутилган эди. Аммо у бундай оддий хушмуомаладан ҳам бехабар бўлса керак. У ўзининг «табрик» нутқини Совет Иттифоқига беҳаёлик блан туҳмат гаплардан бошлади.

Дьюи шу руҳда гапирабошлагандан кейин, А. Я. Вишинский, Я. А. Малик ва совет делегациясининг бошқа а'золари ўз ўринларидан туриб «Вальдорф-Астория» мусофирхонасидан чиқиб кетдилар.

Дьюининг бу хулқи ҳатто унинг кетидан гапирган Филиппин вакили Ромулани ҳам ғазаблантирди. У, Дьюига билвосита та'на қилиб гапиришга мажбур бўлди.

Зиёфатда ҳозир бўлган бошқа вакиллар ҳам Дьюининг фе'л-атворини қораладилар. «Нью-Йорк таймс» газетаси, ҳурматли меҳмонларнинг бирқанчаси хусусий суҳбатларда Дьюи «қўпол ва ёмон муомалада бўлди ҳамда ўз нутқи учун мазкур минбардан нотўғри фойдаланди» деган гапларни айтдилар, деб ёзади.

# ҚУРИЯДАГИ ВОҚИАЛАР

### ҚУРИЯ ХАЛҚ-ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ АРМИЯСИ БОШ ҚЎМОНДОНЛИГИНИНГ АХБОРОТЛАРИ

ПХЕНЬЯН, 22 сентябрь. (ТАСС). Қурия халқ-демократик республикаси Халқ армиясининг Бош қўмондонлиги 22 сентябрь эрта блан қуйидагиларни билдирди:

Халқ армиясининг қисмлари ҳамма фронтларда душманнинг қаттиқ қарши атакасини тўхтатиб, шиддатли жангларни давом эттирмоқдалар.

Шарқий қирғоқ районида Халқ армиясининг қисмлари душманнинг қарши ҳужумини тўхтатиб унга жиддий талафот етказмоқдалар.

Инчон (Чемульпо) томонида душманнинг авиация, флот ва танклардан мадад олган десант қисмлари қаттиқ атакалар қилмоқдалар. Халқ армиясининг қўшинлари оғир мудофаа жангларини давом эттириб, Сеулга ёриб ўтмоқчи бўлиб уринаётган душманнинг ҳужумини тўхтатиб турмоқдалар ва унинг аскарларига ҳамда техникасига талафот етказмоқдалар.

21 сентябрьда Халқ армиясининг қуруқликдаги қисмлари ҳамма фронтларда 7 та америка аэропланини уриб туширдилар.

ПХЕНЬЯН, 22 сентябрь. (ТАСС) Қурия халқ-демократик республикаси Халқ армиясининг Бош қўмондонлиги 22 сентябрь кечқурун қуйидагиларни билдирди:

Халқ армиясининг қисмлари ҳамма фронтларда душманга қарши шиддатли жангларни давом эттирмоқдалар.

22 сентябрьда олинган ма'лумотларга кўра, Халқ армиясининг Кэмин (Тонин) районини мудофаа қилаётган қисмлари сон жиҳатидан кўп бўлган душманнинг ҳужумини Сеул аҳолисининг ва Кэмин (Тонин) райони аҳолисининг ватанпарварларча фидокорлик блан кўрсатаётган ёрдами туфайли тўхтатиб турмоқдалар ва ҳарбир қарич ерни қаттиқ ҳимоя қилиб, шиддатли жанглар олиб бормоқдалар.

# Жанубий Қуриянинг озод қилинган районларида

ПХЕНЬЯН, 21 сентябрь. (ТАСС). Сеул радиоси қуйидаги хабарни эшиттирди: Шимолий Чолла вилоятида ер ислоҳоти муваффақиятли тамомланди. Феодаллар кишанидан озод қилинган деҳқонлар ерни эгаллаб, янги бахтиёр ҳаёт кечирабошладилар.

Ер ислоҳоти тугалланиши муносабати блан ҳамма жойда тантанали митинглар бўлиб ўтди. Бу митингларда деҳқонлардан 347 мингдан ортиқ киши қатнашди. Митинг қатнашчилари Ким Ир Сенга ташаккур изҳор қилиб жуда кўп хатлар юбордилар.

Америка авиацияси доим бомбардимон қилиб туришига қарамай, деҳқонлар дала ишларини давом эттирмоқдалар ва вайрон қилинган ирригация иншоотларини тикламоқдалар.

Мас'ул муҳаррир ўринбосари: Б. РАҲМОНОВ.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 24 сентябрьда кундуз **Оққуш кўли.**

«РОДИНА» — кундуз **Фарғона қизи**, кечқурун рангдор фильм **Жасур кишилар.**

«ВАТАН» — **Фарғона қизи.**

«НАВОИЙ» (қишки) — кундуз **Хўжа Насриддин**, кечқурун рангдор фильм **Кубань казаклари.**

«НАВОИЙ» (ёзги) — **Тоҳир ва Зуҳра.**

«ИСКРА» (қишки ва ёзги) — рангдор фильм **Жасур кишилар.**

«ХЕВА», «ЎЗБЕКИСТОН», «УДАРНИК», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» кинотеатрларида — янги бадиий хитой фильми **Учқунлар.**

«ЁШ ГВАРДИЯ» — кундуз **Учқунлар**, кечқурун **Лўлилар барони.**

ОТА-ОНАЛАР ДИҚҚАТИГА!

Болаларингиз ёздириб олаётган

„Ленин учқуни“

ГАЗЕТАСИНИНГ

обуна муддати

(сонининг кўпайтирилиши сабабли)

30 СЕНТЯБРЬДА ТУГАЙДИ.

Обунани йил охиригача давом эттиришга шошилингиз.

Обуна «Союзпечать» бўлимларида, Алоқа министрлигининг район конторалари, бўлимлари ва агентликларида қабул қилинади.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

тез кунда

ҚИШКИ МАВСУМ ОЧИЛАДИ

ЛИЛИПУТЛАР

иштироки блан

«ҚАДРДОНЛАР ОРАСИДА»

деган

катта цирк аттракциони

(50 кишидан иборат)

ва 3 бўлимда

КАТТА ЦИРК ТАМОШАЛАРИ

кўрсатилади.

Аттракционнинг бадиий раҳбари— М. С. Качуринер.

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ВА ЎҚИТУЧИЛАР ИНСТИТУТИ

Тошкент қишлоқ, Оржоникидзе, Калинин, Қорасув районлари, Чирчиқ, Тошкент шаҳарлари бириктирилган

ТОШКЕНТ КОНСУЛЬТАЦИЯ ПУНКТИДА СИРТДАН ЎҚУЧИ СТУДЕНТЛАРИ УЧУН

1950-51 ўқув йилида, қуйидаги дам олиш кунларида

МАШҒУЛОТЛАР ЎТКАЗАДИ:

1 ва 15 октябрь, 12 ва 26 ноябрь, 10 ва 24 декабрь, 14 ва 28 январь, 11 ва 25 февраль, 11 ва 25 март, 8 ва 22 апрель, 13 ва 27 майда.

Машғулотлар институт биносида (Педагогическая кўчаси, 63-нчи уй, 11-нчи трамвай) эрталаб соат 10 дан бошланади.

СССР Министрлар Советининг 1950 йил 20 майдаги 2138 сон қарорига мувофиқ,

«УЗЗАГОТЖИВСИРЬЁ» НИНГ РАЙОН ТАЙЁРЛАШ КОНТОРАЛАРИ

район конторалари, тайёрлаш пунктларига, агент ва тери тўпловчиларга топширилган

хом тери учун

берилган ва ҳозиргача мол блан та'минланмаган

квитанцияларни

РЎЙХАТ ҚИЛАДИЛАР

Рўйхат 1950 йил 20 октябрьгача ўтказилади.

Мол блан та'минланмаган квитанциялари бўлган кишилар хом тери топширган жойларидаги «Уззаготживсирьё» район тайёрлаш конторalарига келиб, тегишли кўн молларини олишлари ёки бу квитанцияларни ўз вакиллари орқали шу конторaларга тақдим қилишлари лозим.

Барча шикоятлар блан жойлардаги Райуполкомзагларга мурожаат қилинсин.

«Заготживсирьё» нинг Ўзбекистон республика конторaси.

Тошкентдаги

ШИША ИДИШЛАР ЗАВОДИГА

шиша ишлаб чиқаришдан тажрибаси бўлган силикатчи инженерлар

КЕРАК

Заводнинг адреси: Мало-Бешагачская кўчаси, 104-нчи уй (10-нчи трамвайнинг «КОР» клуби ёнидаги остановкаси).

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЕТ АДРЕСИ: Тошкент, Алексеев кўчаси, № 8. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Партия турмуши бўлими — 33468. Пропаганда бўлими — 31048. Маданият бўлими — 32036 Қишлоқ хўжалик бўлими — 34455. Саноат бўлими — 31226. Совет қурилиши бўлими — 31638. Маҳаллий ахборот бўлими — 37604. Мухбирлар бўлими — 31638. Хатлар бўлими — 32347. Э'лонлар бўлими — 37062. Секретариат— 34780 ва 33469. Коммутатор — 36334.

Р 06861. «Қизил Ўзбекистон» ва «Правда Востока», бирлашган нашриётнинг босмахонаси. Нашр № 1170.